Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 1967 йил 11 май, пайшанба ◆ № 109 (13.669). ◆ БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ПЕШҚАДАМ ПАХТА ТОЗАЛОВЧИЛАР

Республикамиз пахта тозалаш саноати корхоналаридан тўқимачилик ишхоналарига ҳар куни кўплаб тола жўнатилиб турибди. Пахта тозалаш заводларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ўтган йилги «оқ олтин»ни қайта ишлашни тобора жадаллаштиравтирлар.

Юбилей йилининг апрель ойи учинчи ўн кунлигида Фарғона области юқори кўрсаткичларга эришди. Тола ажратиб олиш плани 114,9 процент, момиқ тайёрлаш 143 процент бажарилди. Қорақалпоғистон АССР пахта тозаловчилари ҳам қувончли натижаларни қўлга киритдилар. Ўн кунликда планга қўшимча 7,9 процент тола ва 19,3 процент момиқ ишлаб чиқарилди. Сурхондарё областидаги Ҳайробод пахта тозалаш заводи коллективи апрель ойининг охирги ўн кунлигида тола тайёрлаш топшириғини 183,3 процент, момиқ ишлаб чиқариш планини 177,3 процент ado этди.

Ўн кунлик натижаларига кўра Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва республика касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроқлари Фарғона областига, Қорақалпоғистон АССРга, Сурхондарё областидаги Ҳайробод пахта тозалаш заводига берилди. Ўн кунлик топшириғини муваффақиятли бажарган Далварзин пахта тозалаш заводи коллективи ҳам кўчма Қизил байроқ олиш шарафига муяссар бўлди.

Кейинги ўн кунликда Тошкент, Андижон ва Бухоро областлари, Кува, Қорақишлоқ, Ғиждувон, Чуст, Қўқондаги 1- ва Сўфиқишлоқ пахта тозалаш заводлари ҳам яхши ишладилар.

Андижон область, Наманган районидаги Свердлов номли колхозда ғўза қатор ораларига ишлов бериш кундан-кун қизғин тус олмоқда. Суратда: колхознинг 8-бригадасида ғўзаларни культивация қилиш пайти.

И. Эмиров фотоси.

ҚУТЛУҒ ТЎЙ АРАФАСИДА

КОММУНИСТ МАКТУБИ

Фабрика остонасига ҳаммавақт хурсанд, ҳаяжон билан қадам қўяман. Негаки, қиши яхши кайфият билан меҳнат қилса, сира чарчоқни билмайди, унинг меҳнати унумли бўлаверади.

Пиллакашларнинг меҳнати нозик ва серташвиш. У худди заргарларнинг ишини эслатади. Қиттак хатога йўл қўйилса, бир талай қимматли хом ашё чиқиндига чиқиб кетиши мумкин. Шунинг учун пилласашлар доим фикрини бир жойга жамлаб, зийраклик билан меҳнат қиладилар.

Мен ишлаётган биринчи цехда йигирмадан ортиқ коммунист бор. Улар ишчи деган шарафли номни улуғлаш йўлида жонбозлик кўрсатишяпти. Маҳсулот сифатини яхшилаш, матерал ва маблағлардан тежаб-тергаб фойдаланиш уларнинг диққат марказида турибди. Цехимиз коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашяпти. Бунга белгиланган планларни ошириб бажариш билангина эришиб бўлмайди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, ички резервларни излаб топиш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш — буларнинг ҳаммаси ана шу йўлда амалга оширилиадиган ишлардир.

Цехимизда «Октябрь ўқишлари» мунтазам ўтиб турибди. Бундай ўқишлар давомида тез-тез нундалик ишимиз ҳақида мунозаралар, мушоҳадалар бошланиб нетади. Шундай суҳбатларнинг бирида тажрибали ишчи Муҳаррам Омонова ўзи ишлаб турган коммунистик меҳнат бригадасининг иш тажрибаси ҳақида гапириб берди. Унинг фикрича коммунист меҳнатда илғорлиги, турмушда юксак ахлоқ ва одоби билан бошқалардан доим ажралиб туриши керак. М. Омонова ўзида шундай хислатларни мужассамлаштирган аёл. У шу кунларда пландаги маҳсулотнинг қарийб 95 процентини биринчи сортга топширмоқда. Кўпчилик ёшлар ундан ибрат олишга ҳаранат қилишяпти.

Мен корхонамизнинг О. Камаева, О. Худоёрова, И. Хўжаев каби ўнлаб илғорлари билан ёнма-ён меҳнат қилаётирман. Октябрнинг эллик йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада умуман эмас, шахсан актив қатнашяпман. Улуғ тўйга атаган шахсий режаларим ҳам бор. Мен яқинда цехимиз коммунистларининг йиғилишида юрагимдаги орзуларимни айтиб бердим. Режаларим қуйидагилардан иборат: кўп йиллик тажриба ва имкониятимни ҳисоблаб, юбилей йили планини 15 декабргача, беш йиллик топшириқни эса тўрт йилу нини ойда ud-далашга аҳд қилдим.

Бунинг учун иш вақтимнинг бирор дақиқасини ҳам бекорга кетказмай, ҳар бир минутдан унумли фойдаланаман. Дастгоҳимни доим саранжом-саришта, озода тутаман. Шу тариқа меҳнат унумдорлигини 12 процент оширмоқчиман. Айни вақтда кунлик топширикни муттасил 110-115 процентдан бажараман. Бу менинг қутлуғ тўйга шахсий совғам бўлади. Беш йиллик охиригача камида 20 нишига ўз тажрибамни ўргатаман.

Менинг фикримча, ҳар бир коммунист ўзининг шахсий планига эга бўлса, ҳамавақт режа билан иш юритса умумий ютуқларимиз тагин ҳам кўпайган бўларди. Бепоён мамлакатимиз меҳнаткашлари катта маърака, қутлуғ тўй тараддуди билан яшамоқдалар. Саноат корхоналарининг коллективлари, колхоз ва совхозларнинг деҳқонлари ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олиб, бутун куч-ғайратларини она-Ватанимиз бахт-саодати учун курашга сафарбар этаётирлар.

Б. ИБРОҲИМОВА,
Бухородаги пилдакашлик фабрикасининг пилла буғлоачиси.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Ўн саккиз мамлакат дипломатлари Ўзбекистоннинг қаёти билан, унинг экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасидаги ютуқлари билан танишиб чиқишни истадилар. Москвадаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари 10 майда самолётда Тошкентга келиш ди

Дипломатлар орасида Таиланд элчиси Прамот Чончарен, Бразилия элчиси Эврике Родригес Валле, Бирлашган Танзания республикасининг элчиси Даниэль Л. Мфинанга, Мавритания Ислом республикасининг элчиси Усейну Диоп, Цейлон элчиси Бенжамин Ф. Перера, Уругвай элчиси Вирхилио Сампоньяро рафиқаси билан, Жазоир Халқ Демократик Республикасининг элчиси Умар Усседин рафиқаси билан, Судан республикасининг элчиси Усмон Абдулла Ҳамид ўғли билан, Нидерландия элчиси Герард Беелартс Ван Блокланд, Чад Республикасининг элчиси Брюно Бойяди, Иордания элчиси Абдулла Зурайкат рафиқаси билан, Туркия элчиси Ҳасан Э. Ишиқ, Ливан республикаси элчисининг рафиқаси А. Амиуни, Франция элчиси Оливье Вормсер рафиқаси билан, Швейцария элчиси Август Р. Линдт, Гвинея республикасининг элчиси Фадеала Кейта, Индонезия элчихонасининг маслаҳатчиси муваққат ишлар вакили — А. Мунс рафиқаси билан ва Гана элчихонасининг маслаҳатчиси Ж. Артур бор.

Тошкент аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. А. Асомов, республика маданият министри В. И. Зоҳидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети радио эшиттириш ва телевидение давлат комитетининг раиси У. Е. Иброҳимов, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятининг раиси Ҳ. С. Шукурова, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ў. А. Рустамов, жамоатчилик вакиллари ва журналистлар кутиб олдилар.

Болалар меҳмонларга гулдасталар тақдим этишди.

Дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари Ўзбекистонда бир неча кун бўлиб, республика бўйлаб саёҳат қиладилар.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БОЛГАРИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

МОСКВА, 10 май (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегацияси Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг таклифига биноан Болгария Халқ Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги янги шартномани имзолаш учун бугун расмий визит билан Софияга жўнаб кетди.

Делегация составида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Демичев, бошқа партия ва давлат арбоблари бор.

СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида делегацияни Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар, шунингдек Болгария элчихонасининг ходимлари кузатиб қолдилар.

СССР партия-ҳукумат делегацияси Софияга келди

СОФИЯ, 10 май. (ТАСС). Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегацияси расмий визит билан бугун Софияга келди.

БИР МИНУТ СУКУТ

Ватанни фашизмдан ҳимоя қилиб, қурбон бўлганлар хотирасини 9 майда Совет мамлакати тантанали маросим. — «Бир минут сукут» қилиб ҳурматлади. Стадионлар, эстрадалар бир минут жим қолди. Бир минут сукут чоғида совет кишилари, галаба деб, инсониятнинг бахт-саодати деб ўз жонини фидо қилган шонли жангчиларнинг порлоқ хотираси олдида бош эгдилар.

Шу лаҳзада Совет Иттифоқининг барча радиостанциялари жим қолди. Марказий телевидение экранда абадий шуҳрат оловини кўрсатиб турди.

(ТАСС).

ҲАЛҚАРО СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ УЮШМАСИ БОШ АССАМБЛЕЯСИ XVI СЕССИЯСИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Бу йил ўзининг 40 йиллик юбилейини нишонлайдиган халқаро социал таъминот уюшмаси бош ассамблеяси XVI сессиясининг қатнашчиларини Совет Иттифоқи ҳукумати номидан самимий табриклайман.

Соғлиқни сақлаш ва маориф масалалари билан бир қаторда социал таъминот масалалари ҳам кишилик жамияти ҳаётида тобора катта аҳамият касб этмоқда. Кенсалар ва меҳнатга қобилиятсиз кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳар бир давлатнинг фаолиятида катта ўрин олиши керак.

Мамлакатимизнинг халқлари бу йил Совет давлатининг 50 йиллигини нишонлайдилар. Мамлакатда тарихан қисқа бир даврнинг ичида йирик социал ислоҳотлар амалга оширилди. Меҳнат қилиш ва дам олиш ҳуқуқи, бепул медицина хизмати ва пенсия таъминоти олиш ҳуқуқи совет кишилари учун табиий ва одатдаги бир иш бўлиб қолди. Ишсизлик, ўзбошимчалик ва қашшоқлик хавфи Совет Иттифоқи гражданларига таҳдид қилмайди. Киши тўғрисида, унинг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш — давлатимизнинг олий мақсадидир.

Халқаро социал таъминот уюшмаси XVI сессиясининг қатнашчилари мамлакатимизда социал таъминот қандай уюштирилганлигига қизиқиб қарайдилар ва бу соҳада эришган муваффақиятларимиз билан танишиб чиқадилар, деб умид қиламиз.

Социал таъминот ходимларининг ривожланиб бораётган халқаро ҳамкорлиги инсоният олдида турган социал проблемаларни ҳал этишга ёрдам бериши, барча мамлакатларда социал таъминот системаларини ташкил этиш ва такомиллаштиришга кўмаклашуви керак. Бу проблемаларни ҳал этмоқ учун кўп куч ва кўп маблағ сарф этиш талаб этилади, мустаҳкам тинчлик бўлиши ва мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатилиши керак.

Аммо планетамизнинг бир қанча районларидаги вазият ҳали ҳам жиддий тус олибгина қолмай, балки хусусан АҚШнинг Вьетнам халқига қарши агрессияси муносабати билан нескинлашиб ҳам бормоқда.

Ҳозирги вақтда зўр бериб қуролланиш учун сарф қилинаётган жуда кўп маблағларни социал эҳтиёжларга сарф қилиш ва бу билан жаҳоннинг кўп мамлакатларида миллионларча кишиларнинг мушкулини осон қилиш мумкин бўлар эди.

Шу сессиянинг қатнашчилари замонамизнинг ҳаётий муҳим проблемаларига эътибор бермай қололмайдилар ва агрессия хуружларига қарши норозилик садосини баланд кўтариб, мустаҳкам тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашадилар, деб умид қиламиз.

Шу сессиянинг иши социал таъминот соҳасида халқаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга, ривожланиб бораётган мамлакатларда социал хизмат ва миллий кадрлар тайёрлашни уюштиришда уларга ёрдам беришга қаратилади, деб ишонч билдираман.

Халқаро социал таъминот уюшмаси бош ассамблеяси XVI сессиясининг делегатлари ва барча қатнашчиларининг самарали ишлашларини, уларнинг ер юзида социал тараққиёт ва тинчлик йўлидаги олижаноб, инсонпарварлик фаолиятларида катта муваффақиятларга эришувларини тилайман.

ССР Иттифоқи Министрлар Совети Раиси А. КОСИГИН.

ЁН ҚЎШНИ — ЖОН ҚЎШНИ...

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР МУСОБАҚАСИ

Ўзбекистон ССР Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли ва Тожикистон ССРнинг Регар районидаги Ленин номли колхоз меҳнаткашлари бошлаб берган ажойиб ташаббус—юбилей йилини муносиб совғалар билан нишонлаш ҳақидаги социалистик мусобақа дўстлигимизни янада мустаҳкамлади.

Биз чегарадош бўлганлигимиз учун тожик қўшниларимиз билан давом этаётган мусобақа йил сайин қизғин тус олаётганлигини яққол сезиб турибмиз. Ҳар икки район қишлоқ хўжалик артеллари бир-бирига ўзаро ёрдам ва кўмак бериш каби ажойиб традицияни кўпдан бери давом эттириб келяптилар. Улар қишлоқ хўжалик ишларида ҳам, тажриба алмашишда ҳам ҳамфикр. Районимиздаги «Коммунизм» колхози меҳнаткашлари Регар районининг «Комсомол» колхози билан яхши қўшничилик муносабатларини кўпдан бери давом эттириб келадилар. Жумладан, ўтган йили кузда «Коммунизм»пиклзр кузги шудгорни барвақт тугаллагач, Регардаги «Комсомол» колхозига механик Х. Қиёмов бошчилигида 4 та ҳайдов трактори жўнатишди. Чунки, улар шудгордан бир оз кечиккан эдилар. Мададга борган механизаторлар астойдил ишлаб, қўшниларнинг 100 гектардан зиёд ерини шудгор қилдилар.

Шуниси қувончлики, тожик дўстларимиз ҳам ўз қимматларини кўрсатдилар. Улар «Коммунизм» колхозининг чорва моллари учун ўнлаб тонна дағал-хашак тайёрлаб бердилар, техника ремонтини тезлатишда запас қисмлар билан кўмаклашдилар. Бундан ташқари улар «Правда», Свердлов номли ва «Коммунизм» колхозларини сув билан таъминлашда бизга ҳамиша ёрдам бериб келадилар.

Юбилей йилида дўстона социалистик мусобақа янада қизғин тус олмоқда. Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллиги шарафига мусобақалашган Ҳамроқул Турсунқулов номли ва Ленин номли колхозларнинг ажойиб ташаббусини районимиздаги барча хўжаликлар якдиллик билан маъқулладилар ва бажонидил қўшилдилар. Регардаги «Москва» ва Калинин номли колхозлар билан районимиздаги Свердлов номли ва Ленин номли колхозлар ўртасида социалистик мусобақа авж олиб кетди. Улар қутлуғ санани муносиб тўёна билан нишонлаш, Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Колхозларнинг партия ташкилотлари, коммунист ва комсомоллар бу ажойиб ҳаракатга бош-қош бўлмоқдалар. Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари, қишлоқ Советларининг депутатлари ва доимий комиссиялари, агитатор ва пропагандистларимиз иккки қўшни район хўжаликлари ўртасидаги социалистик мусобақани тагин ҳам авж олдириш учун жонбозлик қилмоқдалар.

Районимиздаги «Сариосиё ҳақиқати» ва Регар районида чиқадиган «Ленин йўли» газеталари саҳифаларида қўшнилар ўртасидаги социалистик мусобақага кенг ўрин берилмоқда.

Районимиз меҳнаткашлари юбилей йилида 15.600 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан, жами 58 минг тонна пахта етиштиришга аҳд қилдилар. Бу масъулиятли вазифани шараф билан ado этиш учун курашнинг дастлабки қизғин даври бошланди. Механизаторларимиз 8 минг гектар ерга чигитни квадрат-уялаб экиш, 10 минг гектар майдондаги ғўзани узунасига ва кўндалангига парвариш қилиш мажбуриятини олдилар. Улар 2000 гектар ердаги ўсимликни механизмлар воситаси билан чеканка қилишга сўз бердилар. Механик ҳайдовчиларимиз эса 10 минг гектар ерда етиштирилган ҳосилни машиналарда териб, 25 минг тонна пахтани «зангори кема»лар бункеридан тўкишга қарор қилдилар. Транспортчиларимиз етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини қоп-қанорсиз ташиб беришга ваъда бердилар.

Шу билан бирга чорвадорларимиз, боғбонларимиз ва сабзавоткорларимиз ҳам ўз устларига оширилган мажбуриятлар олдилар. Улар қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини бир текис ва интенсив ривожлантириш ҳақидаги партиямиз кўрсатмаларига қатъий амал қилмоқдалар. Районимиз меҳнаткашлари бу йил 10.250 тонна галла, 1900 тонна сабзавот, 950 тонна картошка, 2350 тонна полиз маҳсулотлари, 3280 тонна мева, 2000 тонна узум етиштиришга бел боғладилар. Чорвадорларимиз 50 минг тонна дағал хашак жамғариш, 44 минг тонна силос бостириш, ҳар гектар бедазордан қуруқ беда олиш, 400 центнердан маккажўхори қўк пояси етиштириш мажбуриятини олганлар.

Юбилей йилида барча турдаги чорва моллар туёғини кўпайтириш билан бир қаторда, шаҳарлик дўстларимиз учун 2835 тонна гўшт, 5500 тонна сут, 2 миллион донадан зиёд тухум етказиб бериш ҳақида ҳам зиммамизга конкрет мажбуриятлар олганмиз.

Бу социалистик мусобақа бизни янги чўққиларни эгаллашга чорлайди. Ажойиб қўшничилик ва дўстлик муносабатлари юбилей йилида янада самаралироқ бўлади, албатта.

Н. ЭШМАМАТОВ,
Сариосиё район партия комитетининг биринчи секретари.

СОҲИБКОРЛАР ҲИММАТИ

Ўзининг ширин анори билан машҳур бўлган Кува районидаги «Социализм» колхозида боғдорчиликни ривожлантиришга катта эътибор бериляпти. Колхоз соҳибкорлари мевазор ва узумзорларни меҳр билан парвариш қилиб, эл-юрт дастурхонини нозне ъматларга тўкин қилиш учун курашга катта ҳисса қўшмоқдалар. Улар машҳур соҳибкор Ризамат отанинг маслаҳатларига амал қилиб, юбилей йилида бир қатор тадбирларни амалга оширдилар. Бу йил янгидан 30 гектар ерда мевазор боғ ва 10 гектар ерда кўчатзор ташкил этилди. Шундай қилиб, колхоз боғи 190 гектарга ва шу жумладан анорзор 50 гектарга етказилди.

Ҳозирги пайтда ўртоқ Абдуллажон Исҳоқов раҳбарлик қилаётган боғдорчилик бригадасининг соҳибкорлари мевазор ва узумзорлар парваришини қучайтириб, бу йил нозик-неъматларни янада сероб қилиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Тожимурод ота Юнусов, Машраб ота Нишонов, Фозил ота Ҳасанов, Аблаз ота Ҳожиматовлар сингари тажрибали соҳибкорларнинг меҳнати таҳсинга сазовор. Уларнинг аҳди юбилей йилида давлатга камида 146 тонна анор, 76 тонна ўрик, 24 тонна олма ва нок, 18 тонна узум ва бошка хил мева-чева етказиб беришдир.

Ўз анори билан элга машҳур, халқнр манзур бўлган бу илғор хўжаликнинг соҳибкорлари катта тўйга катта тўёна билан бориш иштиёқида ғайрат ва ташаббус кўрсатишяпти.

Т. МАҲМУДОВ.

МУВАФФАҚИЯТ ЁР БЎЛСИН, ТУРКМАНИСТОН!

Тошкент рассомлари Туркманистондаги ўзбек адабиёти ва санъати декадаси вақтида ўз таассуротларини расмга чизиб олмоқдалар. Мурғоб водийсига борган декада қатнашчилари ҳаммадан кўра кўпроқ таассурот соҳиби бўлдилар, дейиш мумкин. Улар қайиқларга тушиб, қум саҳросининг ичига кириб кетдилар. Бутунги Туркманистоннинг ёрқин рамзи, ўз республикасининг географиясини дадиллик билан ўзгартираётган халқнинг ажойиб ижоди бўлган В. И. Ленин номидаги Қорақум канали ўзининг бутун ғўзаллиги билан уларнинг кўз олдида намоён бўлди. Улар яқин-яқин вақтгача дахшатли кўчма қумлар кезиб юрган районлар оркали ўтдилар. Ҳозир эса каналнинг икки томонида бепоён пахтазорлар, боғлар, уларнинг орасида эса обод қишлоқлар кўзга ташланади.

Ўзбекистоннинг Ашхободда қолган вакилларига ҳам Амударё суви ўзининг латофати билан ором бағишламоқда, унинг суви саккиз юз километрли канал орқали Туркманистон пойтахтига етиб келди, унинг олдида денгиз пайдо қилиб, яна ғарбга, Каспий денгизига томон оқа бошлади.

Биз нинг ўртоқларимиз қисқа муддатли дам олиш соатларида Ашхободни сайр қилишга чиқадилар. Ҳамманинг фикри шуки, зилзиладан кейин қайта бунёд қилинган Туркманистон пойтахти бенқ ҳоя кўркам шаҳарга айланибди.

Республикада қилинаётган катта ишларнинг нафасини Ўзбекистон вакиллари унинг ҳамма жойида ҳис қилиб турибдилар. Ўзбекистон давлат филармониясининг ашула ва рақс ансамбли ҳамда эстрада оркестри ўзининг концертлари билан Небитдоғдаги нефтчиларни ва газчиларни хушнуд қилди. Улар ҳам ўзбекистонлик меҳмонларни ўзларининг муваффақиятлари билан таништирдилар — чўл ичига қатор-қатор бўлиб кириб бораётган нефть конқудуқларини кўрсатдилар.

Мари пахтакорлари «Баҳор» ансамблининг моҳир рақкосаларига юбилей йилидаги ўзларининг юксак марралари тўғрисида ҳикоя қилиб беришди. Қорақалпоғистонлик артистлар Туркманистоннинг шимолий ва шарқий районларидаги деҳқонлар ва чорвадорларнинг кундалик серзавж меҳнатлари тўғрисида кўпгина мароқли нарсаларни билиб олдилар.

Декада қатнашчилари шу кунларда кўрган ажойиб одамларнинг сон-саноги бормикан! Ашхободдаги ип газлама комбинатида эсдан чиқмайдиган учрашув бўлди. Корхона илғорлари орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Эна Авезовани Ўзбекистонлик меҳмонларга таништиришди. Иштараси иссик бу хушрўй ва камтар аёл катта ишчилар авлодининг намояндаси, унинг ота-оналари совет Туркманистони индустриясининг мана шу тўнгичини қуришда қатнашган ва шу комбинатнинг биринчи ишчилари бўлиб ишлаган кишилар экан. Уларнинг қизи Эна ҳам эстафетани ўзининг ота-оналари қўлидан қабул қилиб олиб, ҳозир ўзининг опа-укалари билан бирга меҳнат қилмоқда.

Катта муваффақият ёр бўлсин, Туркманистон меҳнаткашлари, — деб декада қатнашчилари ўзларининг азгу истакларини янги дўстларига изҳор қилишди.

Чоржўй районидаги Жданов номли колхоз посёлкасининг марказий кўчалари ўнлаб автомашиналар билан лиқ тўлди. Бу машиналар кўпгина қишлоқ хўжалик артелларининг механизаторларини, пахтакорларини, пиллачиларини, чорвадорларини Хоразм ашула ва рақс ансамблининг концертини томоша қилиш учун қишлоқ маданият саройига олиб келди.

Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти К. Отаниёзов, артист О. Ҳайитова туркман адабиётининг классиклари Маҳтумқули, Камина, Залилий газаллари билан айтилган қўшиқларни ижро этиб, томошабинларни беиҳтиёр хурсанд қилишди.

Қадим вақтларда Марв деб аталган Мари тўғрисида Навоий ёзган газалларни бу ерда шоир Собир Абдулла ўқиб берди. Мари ишчилари билан бўлган учрашувда у билан бирга шоир Миртемир, композитор Ғ. Қодиров, СССР халқ артисти Р. Пирмуҳамедов ҳам қатнашди.

Туркман элида ўзбек маданияти байрами давом этмоқда.

Г. ЛИПШИЦ,
С. ФРОЛОВА,
(ЎзТАГ махсус мухбирлари).

ХУШХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Жом даштларига сув чиқариш ишлари бошланди. Бу ерлар Зарафшон водийсида энг унумдор ер ҳисобланади. Асрлар давомида қақраб ётган ерда «Самарқанд» пахтачилик совхози ташкил қилинди. Янги хўжалик кўкламги дала ишларини қисқа муддатларда тугатди — 1800 гектар ерга чигит экди.

Беш йиллик мобайнида жом даштларида қарийб 20 минг гектар ерни суғориш кўзда тутилади. Бу ерда йирик механизацилашган совхоз ташкил қилинади.

●

Пойтахтдаги шампан винолари заводи конвейеридан йил бошидан бери бир миллион бутилка вино чиқарилди.

Завод беш хил маркадаги шампан ичимликлари тайёрламоқда. Уларнинг орасида вижиллайдиган мускат виноси Совет Иттифоқида энг яхши вино деб топилди.

Бу йил завод 2,8 миллион бутилка шампан виноси ишлаб чиқаради. Улардан 500 минг бутилкаси юбилей безаги билан чиқарилади.

●

Нукуснинг китоб магазинларида ва Автоном республиканинг аҳоли яшайдиган бошқа жойларида янги рус-қорақалпоқ луғати пайдо бўлди. Луғатни Москвадаги «Советская энциклопедия» нашриёти босмадан чиқарди.

1947 йилда чиқарилган биринчи шундай луғатда ўттиз минг сўз бор эди. Қорақалпоқ тилшуносларининг янги улкан асари бўлган бу луғат 47 минг сўзни ўз ичига олган.

●

Ўзбекистоннинг ихтисослаштирилган хўжаликларида нўйлар жунини қириш бошланди.

Колхоз ва совхозларнинг фермалари хузуридаги қўйларнинг жунини қириш станцияларидан ташқари электр агрегатлари билан жиҳозланган автомашиналар қорақўлчилар манзилгоҳларида хизмат кўрсатмоқда. Бундай агрегатлар қўйларнинг жунини қиркишни анча тезлаштиради. механизмлардан кенг фойдаланиш бу ишларни дашт шароитларида қисқа муддатда 10-12 кун ичида тугаллаш, ҳар бир қўйдан олинадиган жунни икки ёки уч юз грамм ошириш имконини беради.

Республика чорвадорлари юбилей йилида 20,6 минг тонна жун беришга қарор қилганлар. Бу — пландагидан беш минг тонна кўпдир.

●

Янгийўл районидаги «Чиноз» наслчилик совхозида «Строчка» лақабли сигирдан ҳозир бир нечаю кундузда 44 килограмм сут соғиб олинмоқда. Бу — республикада энг юқори кўрсаткичдир. Сергайрат аёл ишчи Евдокия Крахова ана шу рекордчи сигирни парвариш қилмоқда. Унга яна 20 сигир бириктириб қўйилган. Бу сут соғувчи сигирларни яхши боқмоқда ва оқиладитирмоқда, уларнинг сутини кўпайтирмоқда.

Фермaнинг илғор ишчиси «Строчка» лақабли сигирдан бир йилда соғиб олинадиган сут миқдорини 10 минг килограммга етказиш учун ҳаракат қилмоқда.

Янги Тошкент совет халкларининг ўзаро ҳамкорлигида барпо қилинмоқда. Суратда: Чилонзор массивида Москва области бинокорлари меҳнати билан бунёд этилаётган уй-жой бинолари.
А. Тўраев фотоси.

ЭНГ ЯХШИ ПРОПАГАНДИСТЛАРИМИЗ

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

— Сизни партия ўқуви қизиқтиряптими? Марҳамат, — деди Ҳужайли ёғ заводи партия бюросининг секретари Ўртоқ Асхат Кабиров, — у стол тортмасидан нимандир қидира бошлади. Лекин қоғозни кўрсатиш фикридан қайтди шекилли, яна мурожаат қилди:

— Яхшиси, мен сизни инженер-механик Владимир Гончаров билан таништириб қўяй. Бултур ёшлар билан машғулот олиб борарди, бу йил эса кундалик сиёсатни ўрганиш тўғарагининг раҳбари.

— Ҳали бу соҳада етарли тажрибам йўқ, — дея сўз бошлади Владимир Дмитриевич,— ҳар бир машғулотдан кейин ўз-ўзимдан: тингловчилар кутган фикрларни айтолдимми? — деб сўрардим.

Владимирнинг иккиланганича бор. У институтда ҳам, университетда ҳам таҳсил кўрмаган. Кечки ишчи-ёшлар мактабини битиргач, Самарқанд озиқ-овқат техникуми сиртқи бўлимини тамомлади. Уч йил муқаддам у шонли партиямиз сафига кирди.

— Пропагандистлик иши кундан-кунга ўзига тортиб, бутун вужудимни қамраб олди. Эндиликда, — дейди Владимир, — сиёсий ва бадиий адабиётларни бошқачароқ ўқийдиган бўлиб қолдим. Ўқиган китобларимдан кўчирмалар, қиёслаш, мақоллар ва ҳикматли сўзларни дафтарга ёзиб олиб, қачон ва қайси ўринда фойдаланиш ҳақида ҳам ўйлаб кўраман. Қисқа, лўнда ва тушунарли сўзлаш, тингловчиларга осон тушунтириш учун кўп ва системали ўқишга тўғри келар экан. Бадиий адабиёт ҳам пропагандист нутқининг таъсирчанлигини оширишда катта восита. В. Кочетовнинг «Ака-ука Ершовлар», Г. Николаеванинг «Нўлдаги жанг» асарларидан ўзим белгилаб қўйган жойларни машғулотда ўқиб бердим. Бу— машғулотнинг жонли ва қизиқарли ўтишига ёрдам берди, айни вақтда мазкур асарларни ўқимаган тингловчиларнинг ўқиб чиқишига туртки бўлди.

Ёш пропагандистнинг жўшқин фаолиятидаги кўзга яққол ташланадиган хислат — унинг ўз устида тинмай ишлаши, ўқиши, ўрганиши, изланишидадир. У суҳбатда кундалик турмушимиздан олинган жонли мисоллар, корхона фаолиятига оид фактлар келтирар эдики, бу, албатта тингловчиларда ҳам олинган билимларини турмушга татбиқ қилиш малакасини ҳосил қилади.

Пропагандистлик ишида шахсий намунанинг роли катта. Тиниб-тинчимас Владимир ҳамкасб тенгдошларида ҳам илмга, рационализаторликка муҳаббат уйғота олди. Масалан, Антонина Панкратова, Нина Павлова, Канашбой Оташеевлар Самарқанд озиқ-овқат техникумида сирдан ўқимоқдалар.

Инженер-механик Владимир Гончаров ҳамиша изланади, илғор методларни жорий этиш учун бош қотиради. Айни пайтда партия топшириғини бажаришга ҳам вақт топади. Шунинг учун ҳам завод коллективи бу ёш коммунист билан фахрланади. коллектив ҳурмати, ишончи эса уни янги марраларни эгаллашга отлантиряпти.

И. МАДГАЗИН.

ТАШАББУСКОРЛИКНИ ОШИРАМИЗ

Ташкилий иш партиянинг энг муҳим, энг асосий вазифасидир. Тўпланган тажрибаларга таяниш, ижодий иш бўлмаган жойда ўсиш, олдинга силжиш бўлмайди. Мана бир мисол. Илгари заводимизда аҳвол оғир эди. Партиявий иш юзаки олиб бориларди. Партия ташкилотининг роли, коммунистларнинг ишқи кўзга кўринмасди. Йиллик планни сурункасига уч йил бажара олмадик, аҳолининг эҳтиёжига яраша вақтида сут маҳсулотлари етказиб беролмадик. Шаҳар партия комитетининг пленум ва бюро мажлисларида заводимиз адресига аччиқ гаплар айтиладиган бўлиб қолди.

Завод директори янгиланди. Унинг ўрнига ишчан коммунист Арон Маркович Садовник тайинланди. Янги директор партия ташкилотига, коммунистлар ва бутун коллективга таянган ҳолда иш юритди. Партия ташкилоти ҳам ишлаб чиқариш билан яқиндан шуғуллана бошлади. Аҳволни атрофлича ўрганди, бу масала партия йиғилишида муҳокама қилинди. Йиғилиш жонли ўтди. Коммунистлар дилларидаги гапларни айтдилар, камчиликларни юз-хотирсиз очиб ташладилар. Яшириниб ётган резервлардан оқилона фойдаланиш масаласини қўйдилар. Заводнинг ишлаб чиқариш майдонлари торлиги, меҳнат интизоми бўшлиги ва ишнинг асосий қисми қўл кучи билан бажарилаётгани ҳақида кўп гапирилди. Кўрилган масала юзасидан қабул қилинган қарор ишчилик билан амалга оширилди.

Мана, ўшандан бери тўрт йил вақт ўтди. Бу давр ичида корхона маъмурияти ва партия ташкилоти иш услубини тубдан ўзгартирди. Партиявий-ташкилий ишлар жонлантирилди.

БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ — ПАРТИЯНИНГ АСОСИ

▲ ▲

Коммунистларнинг активлигини оширишга алоҳида эътибор берилди. Ишбилармон коммунистлар ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига қўйилди. Масалан, Нина Владимирова, Линор Сулаймонов, Ҳайитхон Бадалова цех бошлиғи лавозимига кўтарилди. Коммунистлар ишбоши бўлгач, дарҳол силжиш сезила бошлади. Коммунист Раиса Клаковага энг масъулиятли иш—лаборантлик топширилди. Корхонамиз шароитида лаборантлик муҳим вазифа ҳисобланади. Раиса бу соҳани тезда изга туширди.

Корхонадаги 25 коммунистнинг ҳаммаси ишда ўрнак кўрсата бошлади. Улар меҳнат интизомини мустаҳкамлашнинг ташаббускори бўлдилар. Шу орада завод янги бинога кўчирилди. Ишлаб чиқариш маданиятини ошириш юзасидан талай чоралар кўрилди. Янги асбоб-ускуналар келтирилди, Совутиш системаси тартибга солинди. Сув химиявий йўл билан тозаланадиган бўлди. Градирня ва насос қурилиб, қатор транспортёр ва автомат ўрнатилди.

Агар завод 1962 йили 5.800 тонна сут маҳсулоти ишлаб чиқарган бўлса, бултур бу кўрсаткич 9.800 тоннага етди. Тўрт йил ичида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бир миллион 223 минг сўмга кўпайди. Ўтган йили пландан ташқари 109 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ҳозир аҳолига 32 хил маҳсулот етказиб бериляпти. Шуни алоҳида айтиш керакки, бултур завод тарихида биринчи марта олий сорт сариёг ишлаб чиқаришга эришилди.

Мен яна бир муҳим масала устида тўхталиб ўтмоқчиман. Тайёр маҳсулотларни реализация қилиш катта аҳамиятга эга. Корхонамиз ишлаб чиқарган сут маҳсулотларини узоқ сақлаб туриш қийин. Ишлаб чиқаришни вақтида тўхтатиб қўйиш ҳам мумкин эмас. Эрта билан ишлаб чиқарилган маҳсулот туш пайтида савдо точкаларида бўлиши шарт. Аммо баъзида маҳсулот вақтида реализация қилинмасди. Ўртача 500 минг сўмлик маҳсулот заводда туриб қоларди. Оқибатда кўплаб маҳсулотнинг сифати бузиларди.

Партия ташкилоти ва коммунистлар бу муҳим масала билан жиддий шуғулланди. Ҳозир биз фақат шаҳарагина эмас, балки марказ атрофидаги районларга ҳам маҳсулот чиқарямиз. Шунингдек, 1966 йилда бошқа областларга 51 тонна сариёг, 100 тонна сир юборилди. 1967 йилнинг сўнгги икки ойи давомида четга 158 минг сўмлик маҳсулот жўнатилди.

Шунисси қувонарлики, ҳозир заводнинг қунлик маҳсулоти пешма-пеш жойларга жўнатилмоқда. Маҳсулотнинг айниб қолиши ҳисобига кўриладиган зарар ҳам тугатилди. Бултур маҳсулотнинг таннархи пландагига нисбатан 67 минг сўмга арзонлаштирилди.

Партия йиғилишларида маҳсулотнинг сифати, рентабеллиги ошириш, хом ашё, электр энергияси ёқилғи тежаш, планлаштиришнинг аҳволи, тарбия масалалари ҳам тез-тез кўриладиган бўлиб қолди.

Бу йил корхонамиз планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтади. Коммунистлар ва бутун коллектив иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш учун курашмоқдалар. Партия ташкилотининг ташаббуси билан иқтисодий ўқиш ташкил этилди. Техника-иқтисодий темада 10 дан ортик машғулот ўтказилди. Барча коммунистлар янги системани ишчилар онгига етказиш учун курашаётирлар.

Сир эмас, ҳалигача ҳам, корхонамизда ҳал бўлмай турган анча масалалар бор. Районлардан сут олиб келадиган машиналар етишмайди. Ёз ойларида мингдаб литр сутни вақтида олиб келолмай, ачитиб қўямиз. Министрликдан сут ташийдиган машиналар сўрагамиз. Афсуски, бу талабимиз ҳанузгача оқибатсиз қолмоқда.

Биринчи квартални юқори кўрсаткичлар билан якунлаган заводимиз коллективи ва коммунистлари ана шунга ўхшаган ҳал бўлмаган масалаларни тезроқ ҳал қилиш ва юбилей йилида катта ютуқларни қўлга киритиш тўғрисида қайғуришмоқда. Партия ташкилоти бу курашга бош бўлаётир.

Л. СЕМЕНОВА,
Андижондаги сут-мой заводи партия ташкилотининг секретари.

ҚУРИЛИШЛАР ҲАВОЗАСИ

(ГАЗЕТХОНЛАР ХАТЛАРИДАН)

Ҳар бир қишлоқ, ҳар бир жойнинг ўз тарихи бор. Гадойтопмас қишлоги ҳам ўз солномасига эга. — Бу ўсиш, юксалиш йўлидир. Қишлоқ келажаги янада порлоқ, — деб ёзади Бухородан М. Мустафоев, — ҳозир қишлоқда 800 ўринли клуб қурила бошланди. Катта мактаб-интернат қурилиш, маиший хизмат бинолари ва хонадонларни газлаштириш ишланлаштирилган. Газетхонлардан когонлик А. Кенжаев, андижонлик Р. Иминов, С. Рўзиметов, тошкентлик Г. Екубова, янгиерлик С. Остонақулов, наманганлик Х. Усмонов ва бошқа ўртоқларнинг хат-хабарларида ҳам қурилиш ва ободончилик соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилинган.

Қишлоқ ва шаҳарларнинг чиройини очишда, қурилиш ва ободончилик ишларини кенг авж олдиришда маҳаллий Советлар, депутатлар, жамоатчилар муҳим роль ўйнамоқдалар. Депутатлар Р. Бойназаров (Сурхондарё), К. Маликов (Тошкент), М. Бобожонов (Қарши), Т. Маҳсудов, А. Норбоев, (Бухоро), Х. Отамуродов (Қорақалпоғистон АССР) каби ўртоқларнинг хабар ва мақолалари ана шундан далолат бериб турибди.

Лекин айрим қишлоқ ва поселка Советларининг ижроия комитетлари қурилиш ва ободончиликни авж олдиришда ташаббус кўрсата олмаётирлар, улар ўз атрофларига депутатларни ва активларни яхши уюштирмаётирлар.

— Полосон қишлоқ Советида, — деб ёзади З. Миров, — иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу ерда қурилиш ва ободончиликка мутлақо эътибор берилмаётир. Қишлоқ Совети ижроия комитетида меҳнаткашларни қабул қилиш ёмон аҳволда, уларнинг ариза ва шикоятларига ўз вақтида жавоб берилмайди. Олтиариқ район ижроия комитети эса бу қишлоқ Советига амалий ёрдам кўрсатмаётир.

Янгиер шаҳар Ховос станциясиниг Иттифоқ, Меҳнаткаш, Шарқ Юлдузи, Янги маҳалла, Узғариш, Ер ленинчи каби кўчалари ҳамда бу ердаги хонадонлар электрлаштирилмаган. Натижада меҳнаткашлар ишдан сўнг приёмниклардан янги куй ва қўшиқлар эшитиш, телевизор қўйишдан маҳрум бўлиб қолмоқдалар. М. Машарипов бу ҳақда ачиниб редакцияга хат ёзган. Р. Холматов эса ўз хабарида Сирдарё областидаги Ильич номли совхозда маданий-маиший хизмата яхши эътибор берилмаётганини маълум қилган. Бундан беш йил муқаддам совхоз марказида кинотеатр учун бино қурила бошланган эди. Лекин у ҳамон қурилиб битказилган эмас, Совхозда ойлаб на кино фильмлар намойиш қилинади, на концерт кўрсатилади. Раҳмонова, Нўлдошев ўртоқлар эса Тошкентдаги Ленин номли фабриканинг Октябрь колхоз бозорига жойлашган 17-пунктида буюртмачиларнинг талабларига бефарқ қараётганлиги, кишилар овора бўлиб бекорга вақт сарф қилаётганликларини қўйиниб ёзиб юборганлар. Қашқадарё область, Қамаши районидаги «Партия XXII съезди» колхозида ҳам маданий-маиший хизмат ёмон аҳволда. Колхознинг Сортулди, Оқрабод, Обқаш қишлоқлари ҳалигача электрлаштирилмади. — Бу ерда, — деб ёзади Х. Файзиев, — медицина пунктлари ташкил этиш ҳақидаги ҳақли талабга ҳам колхоз ва район раҳбарлари кулоқ солмаётирлар.

Ҳаким Самандаров 17 йилдан бери Геология ва минерал хом ашё Урта Осиё илмий-тадқиқот институтида ғайрат билан ишлаб келмоқда. У фойдали қазилмаларни саралаш лабораториясининг обрўли ходимларидан бири. Суратда: Ўртоқ Ҳ. Самандаров иш устида.
И. Глауберзон фотоси.

Ахлоқ, одоб мавзуида

Кўпиклар

Ёз кечаларининг бирида меҳмондорчиликдан қайтаётган йигит катта кўчанинг четидан келар эди. Йигит узоқда кўринган трамвайга чиқиш учун бўлса керак кўчани кесиб ўта бошлади. Худди шу пайт ўқдек учиб келаётган юк машинаси уни уриб ўтиб кетди. Йигит кўча ўртасида чўзилганча қолди. Аста-секин одамлар тўплана бошладилар. Бир беғи синган йигитнинг жароҳатидан қон оқмоқда, ўзи эса оғриқдан инграр эди. Одамлар эса нима қилишни билмай бир-бирларига қарашар, биттаси «Тез ёрдам чақириш керак» деса, иккинчиси «Ярасини боғлаш керак», яна бириси «Милицияга хабар бериш керак» дер, лекин ҳеч ким жойидан қўзғалмас эди.

Тўпланганлар орасидан ёш бир йигит тўппа-тўғри ярадорнинг ёнига чўнқайди-да, ярасини маҳкам боғлади. Қон тўхтади. Нотаниш йигит дарҳол кўчанинг ўртасига чиқиб йўловчи машинани тўхтатди.

Ярадорни машинага олиб чиқишга одамлар ёрдам бердилар. Уни касалхонага олиб келдилар, зудлик билан дарҳол операция хонасига олиб киришди, керакли чораларни кўришди. Йўқолган қон ўрнига ўша йигитдан қон олиб қуйдилар ва наркоз таъсирида ухлаб қолган йигитни юмшоқ ўринга ётқиздилар. Нотаниш йигит шундан сўнгина касалхонадан чиқиб кетди. Тонг ёришмоқда эди.

Эртаси куни, синган оёғи гипс билан ўралган киши тепасида ўтирган ота ва онасининг саволларига жавоб тополмай қийналар эди.

— Ҳеч бўлмаса исмини сўраб қолмабсан-да!

— Ярим ҳушсиз эдим-да.

— Касалхонада ўзингга келганингда ҳам бир қараб олмадингми?

— Бу ерда ухлатиб қўйишибди.

— Ажаб яхши одам экан, — деди ота. — Йўқ, бу инсофдан эмас, ўғлимизни ўлимдан сақлаб қолган олижаноб кишини излаб топмасак бўлмайди. Ҳеч бўлмаса касалхона ходимлари унинг исмини ёзиб олмаганларига ҳайронман.

— Ким бўлса ҳам умри узун бўлсин, — деди она, — уни тарбиялаган ота-онаси барака топсин!

— Яхшиси газетага ёзамиз, адресимизни кўрсатамиз, эҳтимол ўзи жавоб қилар. Врачнинг тахминича медицина институтининг студенти бўлса керак. Унинг ректорига ҳам хат ёзамиз.

Газетада хабар босилди. Воқеани ёзгач, «Якка-ю, ягона ўғлимизни ўлимдан асраб қолган киши нинг исми ва фамилиясини билолмай доғдамиз. Кимки бизга унинг кимлигини хабар берса умр бўйи миннатдор бўламиз» — дейилган эди.

Газетада хабар чиққан кундан бир ҳафта ўтгач, Илҳом отанинг (жароҳатланган кишининг отаси) эшигини кимдир қоқди. Ота уни ичкарига таклиф қилди ва сўрига кўрпача солди.

— Бир оз ўнгайсизроқ бўлишини билсам ҳам, ота ва онанинг истакларини қондириш мақсадида остонангизга келишга журъат этдим, — деди йигит аччиқ чойни хўплаб, — қалай, ўғлингиз тузалиб кетдиларми?

— Демак сиз... сиз ўшами? — Илҳом ота ўрнидан туриб кетди, — ўғлимизни ўлимдан асраган сизмисиз?

Йигит ўнгайсизланиб ерга қаради.

— Бирор катта ҳунар кўрсатганимиз йўқ, албатта. Ўша мен қилган ишни бошқалар ҳам қилар эдилар.

Жавоб ўрнига Илҳом ота ичкари уйга қараб деди:

— Онаси, ҳой онаси, бу ёққа чиқ! Ўғлимизнинг ҳалоскори келди. Тез бўл, қозонга олов ёқ!

—Она тўппа-тўғри келиб йигитнинг бўйнидан қучди ва пешанасидан ўпди:

— Раҳмат, болам, минг марта раҳмат! Сиз бўлмасангиз ҳозир фарзанд доғида куйган бўлар эдик. Ҳайриятки, дунёда сиздай кишилар бор. Қаерда ишлайсиз-у, қаерда турасиз?

— Исмим Элмор, лекин турар жойим билан ишлаш жойимнинг сизга у қадар аҳамияти бўлмаса керак деб ўйлайман.

«Йўқ» дейишига қарамай зўрлаб кийдирилган тўнни қўлтиқлаб, қайта-қайта айтилган юрак олқишлари, раҳматлари остида йигит уйдан чиқиб кетди. Ота-она тўла қаноатланган ҳолда ҳурмат билан унинг орқасидан қараб қолдилар...

Эндиги медицина билим юртида бўлган бир ҳодисани эшитинг: билим юрти комсомол комитети бюросининг навбатдаги мажлиси. Комитет секретари кун тартибининг охирги масаласи устида сўзлар эди:

— Эсингизда бўлса керак, бундан бир ҳафта аввал газетада Илҳом Умаров ўз фарзандини ҳалокатдан қутқариб қолган бир йигит ҳақида ёзган эди. Ўша йигит бизнинг студентимиз экан. У билан фахрлансак арзийди. Чақирилглар кирсин.

Сўнгги модада яхши кийинган, такаббур бир йигит кирди.

— Мана бизнинг қаҳрамон, Иззатилла! Қани қилган олижаноб ишингиз ҳақида қисқагина сўзлаб берингчи?

Йигит бир оёғини олдинга қўйиб, қўлларини орқасига қовуштирди ва воқеани сўзлай кетди.

—Уни касалхонага олиб бордим, ўз қонимдан бердим.... хулласи қон етишдан ўлар ҳолатга келган одамни яна ҳаётга қайтардим. Ҳамма гап шу, холос.

Иззатилла мажлисдан виқорланиб чиқиб кетди. Комсомол комитети шикастланган йигитнинг отасига хат юборди. Хатни олган Илҳом ота ҳайрон бўлди, ичиб турган чойи томоғида тутилиб қолиб кетди. Ошхонадан хотинини чақирди:

— Мана буни эшит Хосият, балки сен тушунарсан.

— Яна нима гап?

— Ўғлимиз Холбекни ўлимдан қутқазган бошқа киши экан.

— Вой ўлмасам, у нима деганингиз?

— Мана, комсомоллар ёзибдилар. Кечаги тўн кийиб кетганчи?

— Йўқ, жуда ҳам хушсухан, ақлли, ишонса бўладиган йигит эди-ку? Эҳтимол Иззатилла деганлари ўша кечаги йигитнинг ўзидир.

— Унинг исми Эльмор эдику? Бунисси Иззатилла...

Илҳом ота эртасига билим юртига боришга ва масалани аниқлашга қарор қилди...

Эндиги касалхонада бўлган воқеани эшитинг: Касалхонага практикага келган медицина институтининг студентлари билан машғулотни тамомлаган кекса хирург хайрлашиб чиқиб кетаётган студентлар орасидан бир йигитни танигандай бўлди ва уни чақирди. Йигит ҳайрон бўлиб сўради:

— Менга бирор юмуш борми?

— Айтингчи, тунов кун кечаси машина урган кишини олиб келган сиз эмасмидингиз?

— Ҳа, мен.

— Ундай бўлса буёққа юринг.

У йигитни бошлаб палатага олиб кирди. Бу ерда Холбек кийимларини киярди.

— Мана Холбек, ахтарган кишингизни топиб келдим. Холбек ўз халоскорига бир оз қараб турганч, бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди.

— Минг ташаккур, сизга қадрдон дўстим! Сизни кўрганимдан минг марта хурсандман. Менга қилган яхшилигингизни умримнинг охиригача ҳеч эсдан чиқармайман.

— Иш қилиб... тузалиб кетдингизми? Мен ҳам хурсандман.

— Тузалиш ҳам гапми, уйга кетаётибман. Энди сиз менинг қондош укамсиз, чунки менинг баданимда сизнинг ҳам қонингиз бор. Ҳозир мен билан бирга кетасиз. Касалхонага ўзингиз келтирибсиз, энди уйимга ҳам ўзингиз олиб бориб қўясиз. Отам билан онам сизга муштоқлар.

Ош дамлаб, қўни-қўшнини чақириб ўғлининг келишини кутган ота-она тез-тез эшикка термулиб ўтиришарди.

— Мана бу йигит мени ўлимдан асраб қолган укам Одилжон бўлади, танишинг отажон, — деди ўғил.

Ота билан она даҳ қотиб қолдилар.

Илҳом ота беҳосдан «ундай бўлса анавилар кимлар?» деб юборди ва ўз қилгидан мулзам бўлди. Ота-она йигитнинг бўйнидан қучоқлаб ҳурмат-эҳтиром кўрсатдилар.

Илҳом отанинг ҳақли саволига жавоб бермоқ керак. «Анавилар» — енгил обрў қозонишни мақсад қилиб қўйган пасткаш кишилардир. Порлоқ ҳаётимиз ижод ва меҳнат алангасида қайнаб турган буюк бир қозон бўлса, Эльмор ва Иззатилла сингари шахслар унинг юзида қалқиб юрган қора кўпиклардир. Уларни қанчалик тез сидириб олиб ташласак, вақтида фош қилсак шунча яхши бўлади. Яхшини бундай кишилар озчиликни ташкил қиладилар.

Ҳаким ЗОҲИДИЙ,
Профессор, «Совет Ўзбекистони» ахлоқ ва одоб кенгашининг аъзоси.

МУКОФОТ ЭГАСИНИ ТОПДИ

Задарё районидаги Жумашўй қишлоғида истиқомат қилувчи Муса Шарофиддинов энг тинч касб эгасидир. У қўриқ ердаги мактаблардан бирида меҳнат фанидан дарс беради. Чорак аср муқаддам эса, снайпер ва ўқчи бўлим командири Муса Шарофиддинов фашист каллакесарларига дахшат солар эди.

М. Шарофиддинов 1945 йилда душманнинг иккинчи корректировщигини йўқ қилиб, Болтиқ бўйида жойлашган Резекне шаҳрини озод қилган ҳарбий қисм учун йўл очиб берди. Лекин салкам 70 фашистни қириб ташлаган бу мард снайпер оғир ярадор бўлиб қолди ва мамлакат ичкарисидаги госпиталга жўнатилди.

Мана ҳозир, Ғалаба куни арафасида унга «Қизил Юлдуз» ордени топширилди.

Собиқ сержант — ҳозир Андижондаги мойёғ комбинатида ишлаётган Семён Ларкинга «Жасорат кўрсатганлик учун» медали топширилди. Бу мукофот шимолий Кавказ фронтида фашистларга қарши олиб борилган дадил жангларни 67 яшар ветеран хотирасига солди.

Андижонлик собиқ тўпчи Расулжон Ҳакимовни ҳам Ғалаба байрами арафасида хушхабар кувонтириб юборди. Қарийб чорак аср муқаддам унинг жанговар ишлари «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланган эди. Бу орден ҳам ўз қаҳрамонини топди. (ЎзТАГ).

ФАН ОЛАМИДА.

ДАРАХТСИМОН ҒЎЗАЛАР

Республикамизда ялпи пахта ҳосилининг ўртача тўртдан бир қисми ашаддий вильт касаллиги натижасида нобуд бўлади. Бу муаммони ҳал этишда ёввойи ғўзаларни маданий ғўзаларга чанглантириб, упарнинг физиологик жараёнларини ўзгартиш йўли билан вильт касаллигига чидамли янги формалар топилди. Демак, яқин йилларда вильтни деярли йўқ қилиб юбориш ишига ёввойи ғўзалар ҳам «ёрдам» беради. Ёввойи ва бир йиллик маданий ғўзаларни кўп йилликка айлантириш учун Пахта селекцияси ва уруғчилиги институтида қурилган теплица комбинати яқинда фойдаланишга топширилади. Инженер В. И. Елисеев бошлиқ қурувчилар бригадаси «ғўзалар уйи»ни ҳозирги замон техникаси ускуналари билан жиҳозладилар. Теплицага далаларда ўстирилган ғўзалар кеч кузда киритилади, қишда ҳам ғўзалар ўсиб, ривожланаверади.

Б. АЗИЗОВ, аспирант.

АНДАРХОН ПАХТАСИ

● Қўқон шамолининг уясида топилган бир туп пахтанинг тақдири. ● Томорқасида пахта етиштирган одамнинг ҳиммати. ● Янги нав ҳам ҳосилдор, ҳам саноат талабига мувофиқ, нестқболи порлоқ пахта.

Андархон ёзгача турадиган қовунлари билан машҳур эди. Энди Андархон пахтаси деган гап чиқди. Унинг янги пахта — барака пахтаси халқ оғзига тушди. Пахтакорлар орасида довруғи достон бўлди.

Андархон Олой тоғи этакларида жойлашган қишлоқлардан бири. Бу ерни Қўқон шамолининг уяси дейишади. Экинларни кўтариб, дарахтларни қўпориб кетадиган шамол шу ердан бошланаркан. Биз борган куни ҳам шамол одатдагидай гувиллаб турарди.

Аввал Киров район партия комитетида қўсаклари ўбдан очилгандан кейин юлиб олиб қўйилган бир туп Андархон пахтасини кўрсатишди. Ғўза шохсиз, қўсаклари танасида экан. Қўсаклар нуқул қўшалоқ. Бир туп ғўзада шунчалик кўп барака пахта бўлишини биринчи марта шу ерда кўрдик.

— Ўбдан очилтириб турибмашинада ҳавасга терадиган зап пахта-да! — деди райком секретари. Киров районида шароитида бу пахтадан гектар бошига эллик центнергача ҳосил кўтаришибди. Бошқа нав пахталар парваришининг зўри билан жуда яхши ерлардагина қирқ центнер атрофида ҳосил беради.

Шундан кейин Андархон пахтасини топиб кўпайтирган одам ҳузурига борадиган бўлдик. У Киров номли совхозининг Куйбишев номли бўлимида агроном экан. Агроном Ашурали Маҳмудов саккиз йилдан буён дала қонунчиси бўлиб ишлаётган мулоҳазали йигит экан. Буни бутун суҳбат давомида сезиб ўтирдик.

— Бир ўзимнинг қўлимдан нима ҳам келарди, — деди у — Андархон пахтасининг янги табиий навлигини аниқлашда селекционер олимларнинг кўп хизмати сингди. Улар икки йилдан буён синовдан ўтказиб, унинг хусусиятларини ўрганишаётир. Машҳур селекционер Акрам ака Дадабоев эса уни ўз оталиқларига олдилар.

Кейин бизнинг қистовимиз билан у янги табиий нав пахтанинг тарихини айтиб берди. Унинг тарихи олти йил илгариги бир воқеадан бошланган экан.

Июнь ойи охирлаб қолган, ғўзалар шохлаб кетган. Ашурали такрорий ягана ўтказилаётган далани айланиб юриб, бехосдан бир туп бегона ғўзага кўзи тушиб қолади. Илгари бунақасини ҳеч кўрмаган эди. Ғўзалар олди гуллаган. Бу шоналаб, ҳали шохламаган. Лекин 4-5 чинбарг кўтинида шона олган. Шоналари кўшалоқ — барака шона. Ғўзанинг ўсиш бақувват ўсган. Танаси қизғиш, тукли. Барги йирик-йирик тўқ кўк рангда. Шу далага экилган «С-47-27» навли пахта ғўзаларига ҳеч ўхшамасди.

Агроном уни сақлаб қолиб, кўпайтириб кўришга қарор қилди. Кунига бир-икки бориб ундан хабар олиб турди. Кейин ғўза ўн иккита кўсак олиб иккитаси очилгач, юлиб олиб уйига келтириб қўйди.

Кейинги йили эса кўсакларни ситиб, чигитни олиб томорқасига экди. Ўттиз туп янги нав ғўзани ўзи парвариш қилиб, ривожини кузатди. Унинг ўзига хос ривожи ҳам янги табиий нав пахта эканлигидан далолат бериб турарди. Чигит ердан чиқди-ю, қўзиқоринда турибқолди. Уруғ барги ердан унча баланд кўтарилмади, бошқа нав пахталарга нисбатан унинг бўйи паст эди. Шамол зарарлантириб кетолмасди. Оқтомир қўйгандан кейин эса жадал ўсиб кетди. Илдизлари, танаси дарров йўғон тортди.

Шу йили агрономнинг томорқасида ўсган янги нав пахтанинг ҳар тупи 9 тадан 20 тагача кўсак олди. Кўсаклар деярли қўшалоқ эди. Гектар бошига ҳисоблаб кўрилганда ҳосилдорлик 37 центнерданга тўғри келди. Агроном Маҳмудов 1964 йилда яна ўша чигитдан экди. Томорқасини тажриба участкасига айлантирди. Янги навнинг уруғини кўпайтиришга киришди. Шу йили янги нав пахта ҳар тупда 25-30 тагача кўсак олиб, ҳар бир кўсакдан 7,1 граммдан пахта чиқди. Ҳосилдорлик қирқ центнер юқорисида бўлди.

Шундан кейин пахтакорлар бу янги нав пахтани олимларга кўрсатишни маслаҳат бериб қолишди. Маҳмудов Тошкентга, биология фанлари доктори, машҳур селекционер Акрам Дадабоев ҳузурига ўзи кўпайтирган пахтани кўтариб борди. Профессор пахтани кўриб, агрономнинг ҳикоясини атрофлича эшитиб, кўп нарсаларни сўрабсуриштириб охири «истиқболи бор бу пахтанинг» деган тўхтамга келди. Уни тавсиялаш, ишни охирига етказишга ёрдам беражагини айтди. Янги навнинг чигитидан юборишини сўради.

Ҳозир икки йилдан буён Андархон пахтаси СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли пахта уруғчилиги ва селекцияси институти ҳамда Киров районидаги Киров номли совхоз далаларида кўпайтирилиб синаб кўрилаётир. Натижасидан пахтакорлар хушнуд. Институт далаларида Андархон пахтаси 1965 йилда гектар бошига 48 центнердан, бултур эса 40,2 центнердан ҳосил берибди. Совхоз далаларида эса 1965 йилда ўрта шўрланган ерларга экилиб, 48,7 центнердан, ўтган йили қумлоқ ерда 30 центнердан ҳосил кўтарилди.

— Институтда бултур ҳосилдорлик нимага пасайиб кетганини суриштирмадингизми? — дедик агрономга.

— Олимларнинг айтишларига қараганда, агротехникада жиддий хатолик бўлган экан. Синов даврида хатолик ҳам бўлади-да, — дея тушунтирди у. Совхозда «Андархон» билан ёнма-ён қумлоқ ерга экилган «153-Ф» пахта эса гектар бошига 9 центнер кам ҳосил берибди.

Ниҳоят агроном Маҳмудов бизни институтда олиб борилган икки йиллик тажриба натижалари билан таништирди. Андархон пахтасидан 37,5-38 процент тола чиқади. Толасининг узунлиги, пишиқлиги ва бошқа хусусиятлари билан саноатда «104-Ф» пахта толасининг ўрнини бемалол босаверади. Ҳосилдорлиги эса «108-Ф» навига нисбатан анча юқори, бундан ташқари пахтаси 6-7 кун илгари пишади. Янги нав пахта вильтга ҳам анча чидамли экан. Чигити сунъий равишда вильт билан зарарлантирилганда «108-Ф» нави 60,8 процент, «Андархон» нави 49,4 процент вильтга чалинган.

Киров номли совхоз пахтакорлари бу йил Андархон пахтасини бултургидан ўн баробар кўп майдонга — 30 гектар ерга экишга киришдилар. Улар янги нав пахтанинг уруғини кўпайтириш билан бирга турли хил ерларга экиб, унинг агротехникасини ишлаб чиқишда олимларга яқиндан ёрдам берадилар. Янги пахта навининг дунёга келишига сабабчи бўлган, бир туп пахтани аввалаб, қанча машаққатларга қарамай, уни шунчалик кўпайтирган агроном Ашурали Маҳмудов эса бу ишга бошчилик қилмоқда.

Халқ унинг ҳимматига таҳсин айтмоқда.

А. ҒАФУРОВ,
«Коммуна» газетаси мухбири.

М. МАНСУРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

УЙ ТЎЙЛАРИ

ШАХПАХТА ПОСЁЛКАСИ (Қорақалпоғистон АССР). (ЎзТАГ). «Қорақалпакнефтегазразведка» трести геолог-разведкачиларидан қирқ киши Ғалаба куни арафасида янги посёлкада уй тўйлари ўтказишди. Бу посёлка ҳали бирорта географик харитада белгиланмаган. Яқиндагина Устюрт марказида дастлабки қудуқлар қазилган ва уйлар қурилган эди. Эндиликда эса, Шахпахтада йиғма панелларидан қурилган уйлардан иборат шаҳар типидаги посёлка қад кўтарди. Бу биноларда тошли Ясситоғ бағридаги бойликларни қидирувчилардан олти юзга яқин киши яшамоқда. Шахпахта посёлка сини геолог-разведкачиларнинг ўзлари барпо этмоқда.



Тошкент сут комбинатининг меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини меҳнат зафарлари билан нишонлашга аҳд қилганлар. Бу суратда: социалистик мусобақа пешқадамларидан бири, илғор ишчи Махсума Ориповани кўриб турибсиз. Ўртоқ Орипова смена топшириқларини ошириб адо этяпти.

А. Тўраев фотоси.

ВИЖДОН АМРИ

КИНО

Виждон!.. Инсон ўз виждони, ор-номуси, маънавий поклиги билан ғўзал. Виждонли киши бирор ножўя иш содир этган бўлса руҳан азоб чекади, хатосини тезроқ ислоҳ этиш, тўғри йўлга тушиб олиш учун ошиқади... Чунки бундай қилишга ўз виждони амр этади.

Шу кунларда пойтахт экранларида намойиш этилаётган «Виждон амри билан» фильми ана шу хусусда баҳс этади.

... Йигирма йил бурун икки ёш одам Маҳмудов ва Сарваров бир муаммони ҳал этиш, яъни шахталарда муҳофаза системасини яратиш устида ишлайдилар. Лекин Маҳмудов ўз дўсти Сарваровга нисбатан виждонсизлик қилиши оқибатида: конда авария рўй беради. Сарваров эса аспирантурадан ҳайдалади.

Мирза Сарваров Маҳмудовнинг бу тубанлигини фронтда Андрейдан эшитиб, Маҳмудовга мактуб ёзади: «Сен илм-фан ҳодими номига иснод келтирдинг. Ёдингда бўлсин, уруш тугагач қайтиб келиб сени фош этаман!.. Сендайларга фан соҳасида ўрин йўқ!»

Аммо бу ишларнинг бирдан-бир гувоҳи Андрей ҳалок бўлади. Сарваров эса бомба портлаши оқибатида миясининг зарарланиб, эс-хотирасини йўқотади, ҳатто ўзининг кимлиги, номини ҳам унутади. Врачлар уни даволашдан ожиз...

Фильмда инъикос этилган воқеалар ҳаётий. Сарваров фожиаси эса Улуғ Ватан уруши даврида ҳам учраган эмас. Бу мавзу адабиётда ҳам, матбуотда ҳам ўз аксини топган. Француз режиссёри Анри Кольпиннинг «Узоқ жудоликдан сўнг» фильмини хотирингизга келтиринг. Фашистларнинг ваҳшийларидан сўнг эсу ҳушини абадий йўқотган кишининг тақдири оддийгина бир бахтсиз ҳодиса сифатида тасвирланган эди.

«Виждон амри билан» фильми авторлари эса воқеаларни тасвир этиш билангина кифояланмайдилар. улар томошабинда Сарваровга нисбатан раҳм-шафқат туйғуларини ўйғотиб, «ана, кўрдингизми, қаётда яхши, ёмон кишилар учраб туради» деб қўя қолмайдилар. Драматург Фаттоҳ Зохидов ҳам, режиссёр-постановкачи Альберт Ҳачатуров ҳам, бош ролларни ижро этган Шукур Бурҳонов ва Гулриғон Тонунц ҳам социалистик реализм йўлидан бориб, уни ижтимоий мундарижа билан бойитганлар. Улар виждон проблемасини янгича ижтимоий муносабатлар замминда ҳал қилмоқчи бўлганлар. Чунки, виждон ҳам социал моҳит билан бирга ўзгариб, такомиллашиб боради. Ёдингизда борми, А. Н. Островскийнинг «Қайноқ қалб» пьесасида савдогар Куросленов, камбағалларнинг виждони ҳақидаги сўзларни эшитиб ҳайратланган эди: «Виждон деганинг нима ўзи?! Бойлик орттириб олдингми, шунинг ўзи виждон. Бойлигинг қар қанча кўп бўлса, виждонинг ҳам шунча».

Бу виждон ҳақида сармоядорларнинг тушунчаси эди.

Аммо Маҳмудовда ҳам бойлик бор. У ҳеч нарсага мухтож эмас. Профессор. Катта илмий муассаса — лабораториянинг мудири. Лекин у янги жамият ҳавосида нафас олади. Ўзини шу коллектив аъзоси деб билади...

— Хатни қуйдириб юборг! — тавсия беради Маҳмудовнинг хотини Хотира. — Индамасдан юравер. Ҳеч ким хабардор бўлмайди.

— Йўқ, бундай қилиш қўлимдан келмайди, Хотин!

— Виждонсизлик қила олган эдинг, энди нега қўлингдан келмайди?

— Баъзан хомуш юриш ҳам виждонсизлик, Хотира!

Гоятда таъсирли чиққан бу диалог Маҳмудовнинг маънавий дунёсидаги ўзгаришларни кўрсатади. Маҳмудов қалбида, унинг бутун борлиғида қандайдир қарама-қарши ҳис-туйғулар тўқнашаётганлигини кўриб турамиз. У стол устидаги электр лампасини гоҳ ўчиради, гоҳ ёндиради, лекин буни ўзи сезмайди. Чунки у бутун вужуди билан фикр-қаёлларга чўмган. Юрак-юрагини қамраб олган кучли эҳтирос унинг қорғин юзида, ўйчан, андишали кўзларида намоён бўлиб туради. Ҳаёл ичида ўз-ўзи билан гапириши виждонининг ҳайқириғи, нидоси сифатида эшитилади.

Биз Маҳмудовни салбий образ деб айта олмаймиз. У фантехникага ниҳоят берилиб кетиб, ўз илмий ишларини амалга оширмоқчи эди. Сарваров яратаётган муҳофаза системасига ишонмасди, шунинг учун ҳам Узбекистоннинг 15 йиллиги шарафига мажбурият текстини тайёрлаб, Сарваровга имзо чектиришга эришади ва амалда бирор маротаба синаб кўрилмаган бу системани обрўсизлантириб, ўз илмий ғояларини шахтада тажрибадан ўтказмоқчи бўлади.

Аммо Маҳмудов ўтган йигирма йил давомида ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрди, ўз хатоларини тушунди ва, ниҳоят, Сарваровнинг соғайиб, эс-хотирасининг тикланишига муваффақ бўлди. Баъзи бир эпизоллар бизни тўлқинлантирибгина қолмайди, улар бутун қалбимизни ларзага келтиради.

Фильм авторлари ҳозирги замон кинематография воситаларидан маҳорат билан фойдаланганлар. Жанг лавҳалари, икки дўстнинг ёшлик йилларни Маҳмудов ва Сарваровнинг ўй-ҳаёллари сифатида усталик билан монтаж этилган. Оператор фильм қаҳрамони сиймосини томошабинга яқинлаштириб, бўрттириб кўрсатади. Бутун экранда биз Маҳмудовнинг чукур ўйларга ботган кўзларини, ё Сарваров хатини ёндирмоқчи бўлаётганда қўлларининг қалтирашини кўрамиз, шу билан бирга унинг ички дунёси билан таништандай, биз ҳам унинг ҳис-туйғулари билан бирга яшаётгандай бўламиз.

... Маҳмудов Сарваровнинг хотирасини тиклаш мақсадида, ёшлик чоқлари сайр этган жойларга олиб борган эпизод диққатга сазовордир.

Кеч пайт. Сарваров нималарнидир эслашга тиришади, аммо ҳеч нарсани эслайолмайди. «Сиз, бу ерларда илгари бўлганмисиз?» сўрайди Маҳмудов Сарваровдан. «Йўқ». «Бу ерлар сизга ҳеч нарсани эслатмаяптими?» деб яна сўрайди Маҳмудов.

Сарваров жавоб бермайди. Ким билсин, унинг миясида нималардир тартибсиз, маъносиз узоқ бир туш сингари кўринаётгандир. Сарваров ролини ижро этган Г. Тонунц томошабинда яхши таассурот қолдиради. Биз унга ишонамиз.

Фильмнинг сўнгги кадрлари томошабин хотирасида узоқ муддат қолади. Маҳмудов Сарваровнинг хатини унга топшираётиб: «Сен бу хатни ёзганиясанми? Буни сақлашни виждоним амр этди. Энди сен мендан ўч ола оласан. Шундай қилсанг, енгил тортаман» — дейди. «Сен ўзгарибсан, — дейди Сарваров Маҳмудовга. — Сен менга ҳаёт бахш этдинг. Сендан миннатдорман».

Ҳа, пасткашлик ҳисси йигирма йил илгари Маҳмудов виждонига соя солиб ўтган эди, энди у яна олижаноб туйғулар билан тозаланган. Биз ҳам буни кўриб чин қалбдан мамнун бўламиз.

Муҳсин УМАРОВ.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ЮБИЛЕЙ БОҒИ

Фарғона — Водил йўлининг чап томонида. Каптархона қишлоғи яқинида янги боғ ташкил этилмоқда. Паркнинг умумий майдони 30 гектар. Бу ерда икки ойдан бери Фарғона ўрмончилик хўжалигининг коллективи кучли техникани ишлатиб, астойдил меҳнат қиляпти.

Янги парк мутахассислар лойиҳаси бўйича ташкил топмоқда. Паркнинг қоқ ўртасида доира шаклида сулзор бўлади. Унга паркнинг ўн беш томонидан келадиган йўлкалар ташади. Бу — мамлакатимиздаги ҳар бир Иттифоқчи республикаларнинг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига ихтиёрий равишда бирлашганини ифодалаб туради.

Ячки парк Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги номи билан аталади.

Т. МАҲМУДОВ.

«Бургутнинг парвози»

Яқинда Оғаҳий номидаги Хоразм область музикали драма ва комедия театрининг коллективи драматург Иззат Султоннинг «Бургутнинг парвози» драмасини саҳнага қўйиб, томошабиларга совға қилди. Асарни театр режиссёри Ҳошим Исломов саҳналаштирган.

Х. ДУРДИЕВ.

ДЕҲҚОН ТАЯНЧИ

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Бу кичик китобчанинг муқоваси оппоқ очилган пахта чанагининг тасвири бор. «Деҳқон таянчи» брошюрасининг автори машъал Хоразмнинг илғор хўжалиги — Хазорасп районидаги «Коммуна» колхозининг раиси Иброҳим Жабборовдир.

Пахтакорга мўлжалдаги ҳосил олиш учун кўп манглай тери тўкиб ишлашга тўғри келади. Машина чиндан ҳам унга мададкор бўлиб, оғирини енгил этди. Кўпгина машаққатли меҳнат пўлат агрегатлар елкасига юклатилди. Автор янги ташаббуснинг туғилиши, уни амалга ошириш йўлида учраган дастлабки қийинчиликлар ҳақида сўз юритар экан, биринчи йили «зангори нема»ларда ҳосилнинг атиги 20 процента йиғиштириб олинганн, қандай қилиб колхоз машинада пахта теришда тажрибакор хўжалик сифатида бутун воҳага таниларлиги тўғрисида қизиқарли баҳс этади.

«Коммуна»ликлар айниқса сўнгги йилларда пахтачиликни механизациялаштиришда катта қадам қўйиб машиналарнинг куч-қудратини эл-юрт олдида намойиш қилишди. Ўтган йил ҳосилнинг 70 процентга яқини «Зангори нема»лар билан териб олинди. Пахтакорлар машинанинг қадр-қиймати, деҳқонга кўмакдош эканлигини тўла тушуниб етишди. Колхозда техника парки ҳам нескин кенгайди. Бундан беш йил муқаддам бу ерда атиги 8 та пахта териш машинаси бор эди, ҳозир уларнинг сони бир неча ўнтани ташкил этади.

Фақат пахтачилик эмас, хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам механизациялаштириляпти. Ҳозир колхозда 80 дан кўпроқ механик-ҳайдовчи ишламоқда. Автор машина ўриндигига биринчилар қатори ўтирган республикада хизмат кўрсатган механизатор Ҳалима Ҳошимова, унинг муносиб издошлари Жамила Раҳимова, Зулфия Султонова, Гулсора Полвоновалар ҳақида ҳам фахр билан ёзади.

Китобчада хўжаликнинг янги беш йиллик режалари, механизацияни янада кенг қўлланишга доир қизиқ фактлар келтирилган. «Деҳқон таянчи» брошюраси қишлоқ хўжалик ходимларининг кенг оммасига мўлжаллаб «Ўзбекистон» наширёти томонидан босиб чиқарилган.

С. РАҲИМОВ.

Янги шеърлар

Акмал ПУЛАТ.

ЎРГАНДИМ

(ҚУШИҚ)

Ақл-идроки, дўстлар, оқилу донодан ўргандим,
Ватан боғин безатмоқни чаман ородан ўргандим,
Атр сочмоқни гулшанга гули раъногдан ўргандим,
Муҳаббат, чин садоқатни ёмиқ — Узродан ўргандим
Киши қадрига етмоқни дили рўшнодан ўргандим.
Не келса сенга турмушда ёмон-яхши, ўзингдан кўр,
Безирган дўсти-ёронинг, жароҳатли сўзингдан кўр,
Не нулфат келса бошингга ўша икки юзингдан кўр,
Ақл-идроки дўстлар оқилу донодан ўргандим,
Ватан боғин безатмоқни чаман ородан ўргандим,
Етарсан ниятингга яхшилардин ошно этсанг,
Бўларсан эларо расво ёмон йўлга қараб кетсанг,
Дегил ростин, аё Акмал, ҳамиша сен ғазал битсанг;
Ақл-идроки дўстлар оқилу донодан ўргандим,
Ватан боғин безатмоқни чаман ородан ўргандим,

□ □

НАЗАРМАТ.

РАЗЛИВДАГИ ЎРОҚЧИ

Шудринг эмган ўтлар шитирлар,
Чалги тинмас соат милидай,
Тўпланишиб барглар шивирлар,
Ором билмас инсон дилидай,
Яраланган шердай ўкириб,
Қора кўнги тимдалар чақин,
Ўрмон ичра ёмғир шопириб
Шамол хуруж қилади тағин.
Ҳамма ерда айғоқчи изи,
Унки наби улур ўрмонда,
Қайда эркнинг ёруғ юлдузи,
Қайда толе, қайси инсонда!
Бориб келар чалги пайдар-пай,
Ўроқчининг нигоҳи йўлда,
Уни кутар бутун эл, кундай,
У эсачи чалгиси қўлда...
Алаф ўрар, қирилар қиёқ,
Ерни ўпар баҳор сабоси...
Ўроқчини кутар ўтли ёқ,
Малҳам излар олам жафоси,
Чалги қолар ғарам устида,
Йўлга чиқар чалгичи тунда,
Ўт шивирлар ўрмон остида,
Разлив бўлса жўшар, тўлқинда...
Бу яширин қароргоҳидан
Йўлга чиқар, мунтазир жаҳон,
Йўл олади очиқ, зўр жангга,
Жаҳон учун туғилган инсон,
«Яшасин, дер, социализм — Революция!», тинглайди жаҳон.
Бу шиор — бонг, чорлар элларни,
Бошланади кураш, ғалаён.
Эски дунё алафдай қулар,
Қадам ташлар қолиб инқилоб.
Разливдаги ўроқчи — Ленин
Қадами-ла нур сочар офтоб.
Ёз ўтидан бўй чўзган капа,
Ҳиноялар бошлади ундан.
Разливдаги сокин тантана,
Муз остида ётган тўқиндан
Сўраб билдим унинг изларин,
Пайдо бўлар ўроқчи шу дам,
Тингладим дер унинг сўзларин
Яшил ўтлоқ, қайинзорлар ҳам.
Ялтирайди Разлив йўллари,
Ойна каби мусаффо, сайқал.
Туташ бунда жаҳон йўллари,
Бунда капа ўрнида ҳайкал.
Тугамайди одам оқими,
Кезар ўрмон қароргоҳини,
Ҳар қадамда кўргандай бўлар
Ўроқчини, улуғ доҳийни.

1967 йил апрель.
Разлив — Ленинград.

ЮБИЛЕЙ ОЛДИ

МУСОБАҚАСИ ИЛҒОРЛАРИ

Мастер Бобонул Рустамов бошлиқ смена коллективи Совет ҳокимиятининг ярим асрлик юбилейи шарафига бошланган мусобақада илғорлик қиляпти. Смена азаматлари ҳар куни 37 тонна ўрнига 45-46 тонна тола ишлаб чиқармоқдалар. Йил бошидан буён бу коллектив планга қўшимча 20 тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрлади. Ғиждувон пахта тозалаш заводида бундай пешқадамлар кўпайиб боряпти. Шунинг учун ҳам тўрт ойлик план барвақт бажарилди ва кўзда тутилганидан 10 минг сўмлик кўп тола ҳамда момиқ ишлаб чиқарилди.

Т. МАҚСУДОВ.

●

Гурлан пахта тозалаш заводининг Мискин Сафарбоев бошлиқ бригадаси шу кунларда июнь ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Хатира Эшматова, Аваз Жапақова, Пўлат Худойров каби ишчилар эса ярим йиллик планни бажариб қўйдилар. Завод коллективи Улуғ Октябрнинг 50 йиллигинингачага ўн бир ойлик планни адо этиш учун мусобақани кучайтириб юборди. Бу ерда ҳар куни планга қўшимча маҳсулот тайёрлашга эришиляпти.

М. БОБОЖОНОВА.

●

«Ғавташментстрой»га қарашли бинокорлар мусобақасида Раҳим Знёев бошлиқ бригада айниқса юқори кўрсатичларга эришмоқда. 153-трест 1- қурилиш бошқармасининг бу бригадаси коллективи шаҳарда йил бошидан буён анчагина уй-жой ва маданий-маиший объектлар тиклаб берди. Яқин кунлар ичида янги болалар боғчаси қуриб тамомланади. Бу бригада бинокорларининг ишдан ташқари вақтларда шаҳримиз кичик гражданларига тайёрлаган тортиқларидир. Х. Далабоев, О. Абдуллаев, Т. Қодиров ўртоқлар ғишт териш топшириқларини ҳамиша ортиги билан бажаришга муваффақ бўлишмоқда.

М. АЗИМОВ.

●

Ўтган йили қўлга киритган муваффақиятлари учун Тошкентдаги ғўшт комбинати СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофоти билан таҳдирланган эди.

Корхона коллективи юбилей йилида оширилган мажбуриятлар олиб ишламоқда. Яқинда корхона маъмурияти номига СССР сут ва ғўшт саноати министри С. Антоновдан телеграмма олинди. Телеграммада ғўшт комбинати коллективини биринчи кварталда эришган ютуқлари учун иккинчи марта СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғини олиш шарафига эришганликларни ва пул мукофоти билан тақдирланганликлари билан қутлайди ва Октябрь 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақани янада қизитиб юборадилар, деб ишонч билдирилади.

Я. МОРДУХАЕВ.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

ЯНГИ СТАДИОН

Сирдарё областининг маркази Гулистон шаҳрида стадион қурилмоқда. Бундан ташқари, бу ерда сузувчилар учун ҳам қулай шароит яратилади. Иккита сув ҳавзаси қурилиб, стадион атрофида 3 гектарли боғ барпо этилади.

Ж. ИСРОИЛОВ.

КИШЛОҚ МЕҲНАТ. КАШЛАРИ УЧУН

Ҳазорасп район, «Коммуна» колхозидаги 250 хонадонга газ плитаси ўрнатилиб, «зангори олов» киритилди.

С. МАШАРИПОВ.

ТАНИҚЛИ БАСТАКОР

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

1924 йилнинг ёз ойларида Андижоннинг Қурғонтепа районига «ташвиқот араваси» келди. Ундан Юсуфжон қизиқ, Орифжон қизиқ ва бастакор Тўхтасин Жалиловлар тушишди. Улар бу ерга ўз санъатлари билан халқ дилини хушнуд этгани келишганди. Шунингдек, санъаткорлар репертуарида Совет тузуми душманларининг афт-башараларини фош этиб ташловчи ичак узди номерлар ҳам бор эди.

Ўша кунги концерт катта муваффақият билан ўтди. Концерт ниҳоясига етганда, кимдир: — Ўзимизнинг Мамадазиз ҳам бирор нарса чалиб берсин! — деб қолди.

Ҳамма бу гапни маъқуллаб шов-шув кўтарди. Ўртага ғижжагини қўлтиқлаб олган бир йигитча ийманибгина чиқди. Бўлажак бастакор ўшанда томошабинларнинг олқиш ва қарсаклари остида бир неча куй чалиб берганини эслайди. Концертдан кейин Тўхтасин Жалилов уни ўз ёнига чақириб, қуюқ суҳбатлашади. Агар хоҳласа Андижон театрига ишга киритиб қўйишини айтади. Андижон театрида ишлаш Мамадазиз ака учун чинакам ижод мактаби бўлди. Зеҳнли ва қобилиятли йигит тез орада моҳир созанда бўлиб етишди. Республикамиз пойтахтининг концерт ташкилотларида ишлаб юрган дастлабки йилларда эса, у элга маъзур бўладиган қатор янгроқ куйларнинг муаллифи сифатида ҳам танила бошлаган эди. Мамадазиз ака жумладан, Ўрта Осиё республикаларида Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбллари ташкил этишда ҳам катта ташкилотчилик кўрсатди.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунлариданоқ Мамадазиз ака ҳарбий — ватанпарварлик мавзуида қатор куй ва қўшиқлар яратди. Унинг ўша даврда басталаган «Олга бос!» қўшиғи Иттифоқимиздаги жуда кўп саҳналарда йиллаб жаранглаган. Бастакор 1942 йили Ўзбек ансамбли билан ҳаракатдаги армия жангчиларига маданий хизмат кўрсатади. У фронтларда 600 дан кўпроқ концерт берган.

— Кунларнинг бирида, — деб эслайди Мамадазиз ака, — атоқли шоиримиз Ҳамид Олимжон билан суҳбатлашиб ўтириб, янги ёзган бир ғазалига кўзим тушиб қолди. Ғазал менга жуда ёқди. «Хол бўлсам» деб аталган бу чиройли шеърга менда куй басталаш иштиёқи уйғонганини айтганимда, шоир жуда мамнун бўлди. Орадан икки-уч ҳафта ўтгач, куйни шоирга чалиб бердим. У қўлимни қайта-қайта қисиб, мени яхши куй яратилгани билан қутлади...

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, композитор Мамадазиз ака Ниёзов ўз ижодий фаолияти жараёнида 70 дан ортиқ куй басталади. Ҳар куни эфирда у яратган куй ва қўшиқларни эшитиб турасиз. «Жоним Тошкентим», «Олтин жамолли ўлкам», «Жоним пахта», «Давримиз», «Саодатли дийримсан» сингари қатор қўшиқлар кекса бастакор ижодига мансубдир. У яқинда «Раъно ўйнасин», «Самарқанд рубоиси», «Ҳунарим» сингари бир неча дилрабо куйлар яратди.

Бугун таниқли бастакор олтмиш ёшга кирди. Аммо ижоди чашмадек қайнаб турибди, илҳом билан янги-янги куйлар басталаяпти, ёш талантларни қунт билан тарбиялаяпти. Профтехника таълими республика маданият уйи ўзбек ашула ва ракс ансамблига ўюшган 70 кишилик коллектив аъзолари устоз санъатидан баҳраманд бўлиб камол топаётир.

Биз ҳурматли бастакорга узоқ умр ва жўшқин илҳом тилаймиз.

О. ҲАКИМОВ.

Суратда: Мамадазиз Ниёзов.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Халқаро ҳаёт



Ўтган йилнинг декабрь ойида Дамашқда Фрот дарёсидаги гидроэнергетика комплексининг биринчи навбатини қуришда иқтисодий ва техника ёрдами кўрсатиш юзасидан Совет Иттифоқи билан Сурия ўртасида битим имзоланган эди. «Гидропроект» институтининг ходимлари бўлажак қурилиш учун лойиҳаларни тайёрлаб қўйди. Бу комплекс қурувчилари 40 миллион кубометрдан кўпроқ тупроқ ишларини бажаришлари ва баландлиги 60 метргача кўтарилиши мўлжалланаётган тўғонга 1 миллион кубометрдан кўпроқ бетон ётқизишлари керак. Суратда: Сурия ва совет мутахассислари бўлажак иншоот ўрнини кўздан кечирмоқдалар.

И. Моисеев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАР

ОЛТИНГА ТЕНГ МУЙЛОВ

Бундан бир неча йил муқаддам Тинч океандаги Маркиз оролларидан бирида мўйлов энг катта бойлик ҳисобланарди. Оролда ҳар бир мўйловли эркак киши ишламасдан яшаши мумкин эди. Мўйловли кишилар ҳар йили мўйловини қириб сотар ва йил бўйи шу ҳисобдан тириқчилик ўтказарди. Мўйловни сотиб олган киши унинг эгасини бутун бир йил давомида боқиши лозим эди.

БАҲОНА

Лондондаги китоб дўконларидан бирига бир неча йил мобайнида бир жентльмен келиб жаҳон уруши ҳақидаги бирорта китобни қўймай сотиб олаверибди. Кунлардан бирида бундан ҳайратга тушган сотувчи унинг қарбий адабиётга бўлган қизиқишининг сабабларини сўраб қолибди.

— Анави Сид Эллис мен билан бир взводда хизмат қилган эди. Унинг қандай қилиб, капрал бўлиб олганини тушуниб етиш учун ҳаракат қиляпман, — деб жавоб берибди харидор.

КИТНИНГ ОШҚОЗОНИДА

Кит балиқлари туркумларидан бири — кит кашалотлар деб аталади. Бу ҳайвон овқатланиш учун фақат кечаси ўлжа қидиради. Денгиз гигантлари нима тўғри келса шуни истеъмол қилади. Шу сабабдан бўлса керак, уларнинг ошқозонини ёрганда тош, ёғоч, мих, монтёрларнинг қўл қопи чиққан.

СОВУН ДАРАХТИ

Флоридо ярим оролида совун деб аталган дарахт ўсади. Унинг меваларини ишқаланса ёки суркалса совунга ўхшаб кўпириб кетади.

ШОНЛИ ҒАЛАБА КУНИ ШАРАФИГА

ПРАГА, 9 майда Юлиус Фучик номидаги маданият ва истироҳат паркида кўп минг кишилик митинг ўтказилди.

Чехословакия Компартияси Марказий Комитети, Миллий фронт Марказий Комитети, Чехословакия Социалистик Республикасининг Миллат мажлиси ва ҳукумати Чехословакияни Совет Армияси фашист босқинчиларидан озод қилганининг 22 йиллиги муносабати билан чақирган бу митингда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, ЧССР Президенти А. Новотний ҳамда Чехословакия Социалистик Республикаси Коммунистик партияси ва ҳукуматининг бошқа раҳбарлари ҳозир бўлдилар. СССР Олий Совети депутати, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси А. Я. Пельше бошчилигида бу ерда меҳмон бўлиб турган СССР Олий Совети делегацияси аъзолари ҳам митингда ҳозир бўлишди.

Прага шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат М. Вацулик Чехословакия озод қилинганлигининг 22 йиллиги тўғрисида доклад қилди. СССР Олий Совети делегацияси номидан А. Я. Пельше нутқ сўзлади. Халқ Польшасида «энди асло уруш бўлмасин», деган шиор остида ўтган ғалаба куни меҳнаткашларнинг урушга қарши қудратли намойишига айланди.

СОФИЯ. Болгариядаги «Работническо дело» газетасининг гитлерчилар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 22 йиллигига бағишланган мақоласида бундай дейилади: ғалаба кунида жаҳон халқлари совет баҳодирларининг, совет давлатининг ва меҳнаткаш совет халқининг, Улуғ Ленин Коммунистик партиясининг мислсиз шижоатлари олдида бош эгиб, уларга миннатдорчилик изҳор қиладилар.

ПХЕНЬЯН. «Нодон Симмун» газетасининг гитлерчилар Германияси устидан қозонилган ғалаба кунига бағишланган мақоласида бундай дейилади: Совет Иттифоқи армияси ва халқларининг қаҳрамонона ва фидокорона кураши гитлерчилар фашизмини тор-мор келтириш билан тугалланди. Улар Совет Социалистик ватани ва унинг ғалабаларини сақлаб қолдилар. Европа ва бутун дунё халқларининг фашистлар асоратига тушиб қолиш хавфини тугатишда катта ҳисса қўшдилар.

ПАРИЖ. Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 22 йиллиги шарафига Париждаги номаълум солдат қабри олдида тантанали маросим ўтказилди. Кўп минглаб париж-ликлар ва Париж гарнизони аскарлари ҳузурида абадий алангани ёқиш ва номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйиш маросимига Франция президенти генерал де Голл, Франция ҳукуматининг аъзолари, дипломатик корпус аъзолари келишди.

(ТАСС).

ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИНИНГ АССАМБЛЕЯСИ ОЧИЛДИ

ЖЕНЕВА. (ТАСС). Чечак, вабо, безгак каби юқумли касалликларга қарши курашишнинг кучайтирилиши, юрак-қон томир касалликлари, сил ва рак ишларини давомлаштириш янада самарали методларини жорий қилиш масалалари жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 8 майда Женевада очилган 20-ассамблеясининг кун тартибида турибди.

Ассамблея Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида соғлиқни сақлашни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга катта эътибор беради. Шунингдек миллий медицина ходимлари кадрларини тайёрлашда ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш масаласи ҳам муҳокама қилинади.

Ассамблеяда Совет делегациясига СССР соғлиқни сақлаш министри Б. В. Петровский бошчилик қилмоқда.

ВДР ПОЙТАХТИГА МУКОФОТ

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикасининг президенти Хо Ши Мин фармон чиқарди. Бу фармонга биноан, Ханой шаҳри Америка авиациясининг ҳаво ҳужумларини даф этишдаги қаҳрамонлиги ва жанговар маҳорати учун биринчи даражали «Мустақиллик» ордени билан мукофотланди.

7 май куни кечқурун орденни топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Маросимда армия ва пойтахт аҳолисининг жуда кўп вакиллари иштирок этдилар. Бош министр ўринбосари ва мудофаа министри Во Нгуен Зиап Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг топширигича биноан Ханой маъмурий комитетига жанговар мукофотни топширди. У мукофотни топшира туриб айтдики, Вьетнам пойтахти ҳимоячилари 25 апрелдан 5 майгача бўлган 10 кун ичида Американинг 18 та самолётини уриб тушиردилар.

Вьетнам Демократик Республикаси бош қўмондонлиги штаби армия ва пойтахт аҳолисига табрикнома йўллади. Табрикномада американлик қароқчиларнинг 1967 йил 5 майда Ханойга қилган катта ҳужумини даф этишда зенит-ракета бўлинмалари ва қирувчи авиациясининг аъло даражадаги биргаликда ҳаракатлари кўрсатиб ўтилади.

Жанубий Вьетнам Миллий озодлик комитети ва Сайгон—Зядинь округини озод қилиш қуролли кучлари штаби ҳам Ханой аҳолисини ажойиб ғалаба билан табриклади. Уларнинг Озодлик агентлигиэлон қилган телеграммасида жумладан шундай дейилади: «душманнинг қоқ уясида яшаётган сайгонлик ватандошларингиз ўзларининг қардоши — Ханойга доим назар солмоқдалар ва жанубни озод қилиш ва шимолни ҳимоя қилиш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш учун Сайгонни озод қилиш йўлида тинмай кураш олиб бормоқдалар. Сайгон Ханойни ишонтириб айтадики, Ханойга ҳамла қилаётган американлик душманларга зарба бермасдан қўймаймиз. Сайгон армияси ва аҳолиси Ханой изидан бориб, маҳкам жипслашиб ва курашни ҳар томонлама кучайтириб, миллат олдидаги шонли тарихий бурчни охиригача адо этади».

ТУРКИЯ БОШ МИНИСТРИНИНГ БАЁНОТИ

ИСТАМБУЛ. (ТАСС). Туркия бош министри Сулаймон Демирэл Ғарбий Германия радиоси ва телевидениесининг вакили билан суҳбатида: «Туркия Совет Иттифоқи билан яхши муносабатлар боғлашга интилади. Яхши муносабатлар ўрнатилиши бизнинг миллий манфаатларимизга ҳам, шунингдек бутун дунёда тинчлик ишига ҳам хизмат қилади», деди. Суҳбат турк матбуотида босилиб чиқди.

Демирэл Туркиянинг ташқи сиёсати тўғрисида гапирар экан, «Туркия тинчлик сиёсатининг тарафдоридир», деди. Туркия бош министри айрим районларда тинчликнинг сақланиши халқаро тинчлик учун муҳим иш ҳисобланади, деб таъкидлади.

Хозирги замон катта химияси Чехословакия халқининг чинакам фахридир. Халқ хўжалигининг бу тармоғи Братислава ва Шимолий Чехияда айниқса ривожланган. Суратда: Совет Иттифоқи ёрдами билан Дунай бўйида қурилган «Словнафт» нефть химияси комбинатининг умумий кўриниши. Бу ерда «Дружба» трансъевропа магистралидан етказиб берилаётган Волга нефти қайта ишланади.

ЧТК — ТАСС фотоси.

Кхмер тилида «Пет руси» сўзлари «рус касалхонаси» деган маънони билдиради. Пномпенда Совет Иттифоқи ёрдами билан қурилган ва Камбоджа ҳукумати ҳамда халққа совға тариқасида топширилган госпитали деярли ҳамма одам шундай деб атайди. Унга Кхмер — Совет дўстлиги номи берилган. Бу ерда 1960 йилнинг сентябрь ойидан буён совет врачлари ишлашади. Суратда: врачлар В. Кардашев ва В. Лазуркина беморни текшириб кўрмоқдалар. Уларга Камбоджа медицина ходими Лан-Ди ёрдам бермоқда.

В. Харьков фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

КУЧЛАР ЯНА ТЕНГ

Футбол

Тошкентлик ишқибозлар ярим ойлик айриликдан сўнг яна қизиқарли футбол матчини томоша қилишга муяссар бўлдилар. Бу гал футбол шинавандалари «Пахтакор» ва «Черноморец» командаларининг учрашувини мириқиб кўрдилар.

«Пахтакор» билан одессалик денгизчиларнинг учрашуви доимо шиддатли, «оғир вазиятда» ўтади. Буни ўтган йилги беллашишлардан ҳам билиш мумкин. «Пахтакор» стадионида 1:1 ва Одессада 2:2 ҳисоб қайд этилиб қайси командининг кучлилиги номаълумлигича қолган эди. Шунинг учун кўп ишқибозларни «ким кимни енгади» деган муаммо қизиқтириб олганди.

Тошкентлик футбол шинавандалари ўз командаларининг ғалаба қозонишларига ишонган эдилар. Ўйин бошланишидан олдин ишқибозлар футболчиларни гулларга буркаб ташлашди.

Рақиблар ўйинни синовсиз бошладилар. Айниқса меҳмонлар тортиниб ўтирмади. Ташаббусни ўз қўлларига олиб майдон эгалари дарвозасини таҳлиякa сола бошладилар. Ўтган йили команда составида ўйнаган Лобановский, Базилевич, Бокатов каби тажрибали чарм тўп усталарининг йўқлигини маҳорат билан ўйнаган Секез, Сак ва Звенигородскийлар билдирмадилар. Улар дарвозага бир неча бор хавфли интилдилар. Дастлабки 20 минутда ташаббус денгизчилар қўлида бўлди.

Матч натижаси учрашувнинг биринчи ярмидаёқ ҳал бўлди. «Пахтакор»нинг ўйинчилари аста-секин ўзларини ўнглаб олиб, тоҳ қанотдан тоҳ марказдан ҳужум қилиб «Черноморец» командасининг моҳир дарвозабони Ярчукни ўйинга актив аралашишга мажбур қилдилар. Лекин мезбонларнинг бу ҳужумлари изчил олиб борилмади.

Учрашувнинг 30 минутида пахтакорчилар жарима майдончасида жуда хавфли вазият юз берди. Дарвозага тепилган тўпни Пшеничников қўли билан қайтарди. Бу тўпни меҳмонларнинг ҳужумчиси Звенигородский қўриқчисиз дарвозага киритади. Бир минут ўтар-ўтмас меҳмонлар дарвозаси томон жарима тўп белгиланди. Красницкий тўпни зарб билан уриб ҳисобни тенглаштирди.

Учрашувнинг иккинчи ярмида ҳар иккала томон ҳам тўп киритиш имкониятига эга бўлсада, бундан ҳужумчилар фойдалана олмадилар.

* * *

Мамлакат чемпиони киевлик динамочилар Олмаотада маҳаллий «Қайрат» командаси билан беллашди. Матч натижаси қозоқ футболчилари дарвозасига урилган ягона тўп билан ҳал бўлди. Шундай қилиб, «Динамо» командаси биринчи ўринда мустаҳкамланиб олди.

Қолган ўйинлар қуйидагича тугади: «Заря» — «Зенит»: — 0:0, «Локомотив» — ЦСКА — 1:0, «Динамо» (Москва) — «Шахтёр» — 0:0, АСК — «Спартак» 1:2, «Арарат» — «Динамо», (Тбилиси) — 0:1, «Нефтяник» — «Торпедо» (Кутаиси), — 3:0, «Торпедо» (Москва) — «Крылья Советов» — 0:1.

Турнир жадвалидаги аҳвол қуйидагича:

Командалар	У.	Т.	О.
1. «Динамо» К.	8	10—3	12
2. «Динамо» Тб.	8	10—6	11
3. «Нефтяник»	8	12—6	10
4. «Динамо» М.	7	8—3	10
5. «Пахтакор»	8	9—6	9
6. «Заря»	7	5—3	9
7. «Шахтёр»	8	8—10	9
8. «Динамо» Мн.	7	11—7	8
9. «Торпедо» М.	7	6—3	8
10. СКА Р.	8	7—8	8
11. «Кр. Советов»	7	2—2	7
12. «Локомотив»	7	5—6	7
13. ЦСКА	7	6—6	6
14. «Арарат»	8	3—5	6
15. «Торпедо» Кт.	8	3—8	6
16. «Черноморец»	8	5—11	5
17. «Зенит»	8	4—11	5
18. «Спартак»	7	4—8	4
19. «Қайрат»	8	3—9	4

«Пахтакор» командаси навбатдаги ўйинни Марказий «Пахтакор» стадионида 15 май куни Киевнинг «Динамо» командаси билан ўтказади.

А. МАЪЗУМОВ, П. ГАДОЕВ.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

МАЙ ОЙИДА ОБ-ҲАВО

— Майда об-ҳаво қандай келади? Мухбиримиз ана шу савол билан Тошкент об-ҳаво бюросининг синоптик-инженери О. Спиридоновага мурожаат қилди.

— Одатда ўрта Осиё шароитида май ёз ойи ҳисобланади. Чунки майда ҳарорат кўтарилиб, ёғингарчилик кам тушади. Хўш бу йилги май ўлкамизда қандай ўтади?

Байрам олди ва кейинги кунлари республикамизнинг айрим районларида ёғиб ўтган ёмғир деҳқонларимизга анчагина ташвишлар келтирди. Майнинг иккинчи ўн кунлигида ҳам об-ҳавонинг беқарорлиги кутилади. Вақти-вақтида билан момақалдироқ бўлиб, жала ёғиши эҳтимоли бор. Ҳарорат ончалик кўтарилмайди. Балки, 13-16 май кунлари иссиқлик кечаси 4-9, кундузи эса 15-20 даражага тушиб қолади. Ойнинг қолган кунларида ҳарорат мўътадил бўлиб, кечаси 12-17, кундузи 25-30 даража бўлади.

Майнинг охирларига бориб кунлар анча иссиқ, ҳарорат 35-38 даражагача етади. Айрим районларда ёғингарчилик бўлиши кутилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283 Партия турмуши — В33489, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216, Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780, Совет қурилиш — В33258, Қишлоқ хўжалик — В37604, Адабиёт ва санъат — В32036, В37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий ахборот — В32347, Оммавий ишлар ва хатлар — В39015, В33553 Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255 В30256, В30257, В30258.

№ А — 109. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64543. Р. 00929

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Қўшиқлар, 9.30 — «Ялла» концерти, 9.45 — Жаҳон бир ҳафта ичида (тож.), 10.10 — «Дилбарим» (вокал-лирик сюита), 10.30 — Концерт (республика халқ ҳофизлари ижросида), 11.10 — «Тежамкорлик асосида», 11.20 — СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари, 12.15 — Қўшиқлар, 12.50 — Туркманистон радиоси эшиттириши, 13.30 — Вокаль ансамбллар, 16.10 — Туркманистонда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси кундалиги, 16.20 — Концерт-очерк (халқ композиторн ва созандаси Мамадазиз Ниёзов), 18.10 — Туркманистонда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси. Р. Иногомовнинг «Қардош адабиётлар дўстлиги» деган сухбати, 18.30 — Концерт (ёш ижрочилар), 19.20 — Татар куйлари, 20.00 — «Октябрь» радиостанцияси (рус.), 20.30 — Концерт (янги Тошкентни қура ётгаилар учун), 21.25 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 22.10 — Вальс кечаси, 22.40 — Тошкент қурилишларида ишлаётган ёшларнинг шеърлари (рус.), 23.20 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

15.55 — Эшиттиришлар программаси, 16.00 — Бадиий ҳаваскорлар шаҳар кўригининг якунловчи концерти (А. Навоий номли театрдан олиб кўрсатилади).

Рус тилида: 19.00 — Телевизион янгиликлар, 19.15 — Халқ контроли амалда, 19.35 — Ёшим йигирмада (бадиий фильм).

21.00 — Эртаги кун программаси.

Ўзбек тилида: 21.05 — Телевизион янгиликлар, 21.20 — Юбилей вахтасида, 21.40 — Гўзаллик куйчиси (санъат усталари), 22.05 — Ноз-неъмат бунёдкорлари (сабзавотчилар учун), 22.25 — Концерт (Область театрлари артистлари ижросида)

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — Эшиттиришлар программаси, 18.00 — Адабий топишмоқ (болалар учун).

Рус тилида: 18.30 — Она ва сукунат (бадиий фильм).

19.45 дан — Москва кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 12/V да Москва санъат усталарининг катта концерти.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/V да Қотил, 12/V да Сарвқомат дилбарим.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/V да Ўғил уйлантириш, 12/V да Қалам қошлигим.

КИНО

КИШКИ БИНОДА

Спартак — САНЪАТ САРОЙИ. «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Жаҳаннам гирдобида икки йил — НАВОИ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Севги давоси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Бир рус онаси ҳақида қисса (кундуз соат 4 гача), Фашизмни тўхтатиш керак (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да) — «ФЕСТИВАЛЬ».

Тоҳир ва Зуҳра — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Уруш ва тинчлик — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Разведкачининг жасорати — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

ПОЛЬША ТАШҚИ САВДО КОРХОНАСИ „ПОЛИМЕКС“ „POLIMEX“

POLIMEX

Бутуниттифоқ савдо палатаси билан ҳамкорликда Олмаота шаҳрида бўладиган химия ва озиқ-овқат саноати машиналари виставкасига

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Виставка 1967 йил 15 дан 29 майгача давом этади.

Ҳар куни эрталаб соат 11 дан кеч 7 гача очиқ.

Виставкада (Олмаота, Марказий стадион, Манеж) Сизни кизиқтирган ажойиб савдотехника информациялари билан таништиришингиз мумкин.

Полимекс, Варшава, Польша, Чацкий кўчаси, 7(9)11.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ 1967—68 ўқув йилининг кундузги бўлимига қуйидаги факультетлар бўйича

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

агрономлик, қишлоқ хўжалиги иқтисоди ва ташкил этиш, агрохимия ва тупроқшунослик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, узумчилик ва сабзавотчилик, ўрмон хўжалиги, бухгалтер ҳисоботи.

Аризалар 20 июндан 31 июлгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари — 1 дан 20 августгача.

Икки ва ундан кўп йил практик стажга эга бўлганлар, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти офицерлари, шунингдек ҳарбий хизмат сержанти ва старшина составидагилар (мажбурий хизматдагилардан ташқари) институтга қабул қилинаётганларида енгилликлардан фойдаланадилар.

Институтга кириш ҳақидаги ариза (танланган факультет ва мутахассислик аниқ ёзилади) ректор номига ёзилади ва қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), таржимаи ҳол, медицина справкаси (286 форма), тўртта фотосурат (бош киймисиз 3×4 см.), партия, комсомол, касаба союз ва бошқа ижтимоий ташкилотлар томонидан корхона, ташкилот, колхоз правленияси раҳбарлари, умумий таълим мактабини тамомлаганларга — мактаб раҳбарлари, ижтимоий ташкилотлар, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотидан бўшатилганлар учун — харбий қисм командирлари томонидан берилган характеристика.

Институтга кирувчилар ҳарбий билет ёки приписка гувоҳномаси ва паспортни шахсан кўрсатадилар.

Қишлоқ хўжалиги иқтисоди ва ташкил этиш, бухгалтер ҳисоботи мутахассисликлари бўйича кириш имтиҳонлари — математика (ёзма ва оғзаки), химия (оғзаки), ўрмон хўжалиги-математика (оғзаки), химия (оғзаки), физика (оғзаки), қолган қишлоқ хўжалик мутахассисликлари бўйича: химия (оғзаки), физика (оғзаки), бундан ташқари рус тили ёки ўзбек тили ва адабиётидан ёзма кириш имтиҳонлари топширилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Оржоникидзе район, Ялонгоч қишлоғи, телефон Е-6-17-00.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

МАВСУМНИНГ ЕПИЛИШИ ВА ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ.

Москва цирки артистлари ва Ҳиндистон филлари аттракциони.

Ҳиндистон филларини ўргатувчи — Анатолий Корнилов.

11, 13 майда кеч соат 7 яримда, 14 майда кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРГА

электромонтёр-ёритувчилар, кийим кийгизувчилар, саҳна ишчилари ва район кассирлари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Бируний майдони, Олмазор кўчаси, 187-уй.

«ЎЗБЕККИММАШ» ЗАВОДИГА

план бўлими бошлиғи

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Чирчиқ шаҳри, кадрлар бўлими.

«ЎЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» МАХСУС ТРЕСТИНИНГ ТОШКЕНТ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

электр ускуналарини ремонт қилиш бўйича прораблар ва мастерлар, ҳамма разряддаги электр монтёрлари, махсус машина шоферлари, юкчилар

КЕРАК

Иш ҳақи мукофот ва ишбай эсосида тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 18. Коммунал сквери, 11-уй (7, 8, 10, 11-грамвайларнинг «Лахути» остановкаси).

Узбекистон ССР Министрлар Совети радиоэшиттириш ва телевидение Давлат комитети коллегияси, партия ва касаба союз ташкилотлари Давлат комитети раисининг ўринбосари

Г. Жаҳонгировга онаси Ойниса АКРОМОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.